



# HURRIYAT

O'zingni angla!

MUSTAQIL GAZETA

Corshanba, 16-dekabr, 2009-yil • №51 (652) • 1996-yil dekabrden chiqq boshlagan • e-mail: hurriyat@doda.uz • www.uzhurriyat.uz

## ЮРТ ЭХТИРОМИ – УЛУҒ САОДАТ

Бугун мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Юртбошимиз томонидан матбуотга, умуман ОАВга, журналистларга юксак ишонч билдирилган боис, юртимизда айни пайтда 1100 дан зиёд оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатмоқда.



4-бет

## ШОИРНИНГ ОҶАНРАБОЛИ ОЛАМИ

... Огаҳий рубойлари юксак санъат асарлари ҳисобланади. Шоирнинг бу борадаги шеърларида ҳис-туйғулар, эл-юртга муҳаббат, ҳаётдан завқланиш, инсоний фазилатлар ўз аксини топади. Огаҳий қайси мазмунда рубой битмасин, унинг бадиий шуури кўзга яққол ташланиб туради.



7-бет

## ЮРТИМИЗ САНЪАТ АСАРЛАРИНИНГ ДОВРУҒИ

... Истиқлол йилларида дунё Ўзбекистон тасвирий санъатини кашф этди, десак муболага бўлмайди. Юртимиздаги кўплаб рассом, ҳайкалтарош, хунармандларнинг асарлари қатор халқаро кўргазмаларда муваффақиятли намоиш қилинган боис, бу соҳада олиб борилаётган ижодий ишларнинг яхши йўлга қўйилганидан далолат беради.



8-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

9 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов "Баркамол авлод йили" Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги фармойишга имзо чекди.

13-14 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатга бўлди.

Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бутунги аҳоли ва истиқболга оид масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашди. Жумладан, Ўзбекистон ва Туркменистоннинг сиёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар ҳамкорлиги, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустақамлашга доир масалалар муҳокама қилинди.

Ташрифнинг иккинчи куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Туркменистон шаҳрида Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао ва Қозғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан бирга тўрт мамлакат ҳудудидан ўтувчи халқаро газ қувурини фойдаланишга топшириш маросимида иштирок этди.

Ашқобод сафари асносида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао билан учрашди.

14 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлиси комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди. Мажлисида оммавий ахборот воситалари, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг сайловлари баҳолаш бўйича миссия вакиллари иштирок этди.

Мажлисида хориж давлатлари, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда қатнашувчи қўлатувчиларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

11 декабрь куни Гулiston шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмиталари томонидан БМНинг Техник ва хунар таълими тўғрисидаги конвенциясининг Сирдарё вилояти қишлоқ туманларида ижро этилишини ўрганишга бағишланган кўшма мажлис ўтказилди.

## ОЗОДЛИК ВА ОБОДЛИК ОЙДАН ТУШМАГАН

VATAN RAVNAQI UCHUN HAR BIRIMIZ MAS'ULMIZ



### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2010 йилни мамлакатимизда "Баркамол авлод йили" деб эълон қилди

"Ўзбекистон янги авлоднинг, аввало, ўсиб келаётган истеъдодли ёшларнинг, адолат ва тараққиёт учун чинакам курашиш бўлган навқирон кучнинг таянчига муҳтождир. Истеъдодли ёшларни излаб топил, уларни қўллаб-қувватлаш, қобилиятларини рўйбга чиқариш учун барча шарт-шароитларни яратиш лозим".

Бу самимий даъват давлатимиз раҳбари томонидан бундан етти минг уч юз кун аввал илгари сурилган. Бу ҳаётбахш шоирни амалга ошириш учун белни маҳкам боғлаб ишга киришилган вақтда туғилган болалар ҳозир йигирмага тўлди. Улар том маънода янги мактабларда савод чикарди, замонавий лицей ва коллежларда сабоқ олди, хунар орттирди. Бугун олий ўқув дунёларида ўз билимини, дунёқарашини кенгайтирмоқда. Мустақил фикрлашни ўрганмоқда, илмфан сир-синаотини очмоқда. Спорт билан мунтазам шуғулланмоқда улар. Иродатси тобланаёт

тир, орияти шаклланаётир. Шундай юртнинг фарзанди эканидан гурури жўш ураётир. Чунки улар учун барча шароит яратилган. Етти минг уч юз куннинг ҳар бирида Юртбошимиз ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида қилинган эзгу ишлар, тадбир-тадорикнинг ҳамма-ҳаммаси — ҳар томонлама етук инсонларни вояга етказиш, баркамол авлодни тарбиялаш учун амалга оширилди.

Улар эртага малакали мутахассис сифатида халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида ўз фаолияти-

ни бошлайдди. Садоқат ва заковат, жасорат ва шижоат соҳиб бўлган янги авлоднинг ҳаёт сахнасига кириб келишини Чўлпон айтмоқчи тўлкинга қиёслаш мумкин. Гўзал ва жангдор ўхшатиш. Хўш, биз назарда тутаетган «тўлқин»ни вужудга келтирувчи, таъбир жоиз бўлса, халқнинг, миллатнинг эртанги кунини белгилаб берувчи кудратнинг манбаи қаерда? Ҳеч иккиланмай жавоб берамиз — шу халқнинг, шу миллатнинг навқирон авлоди, баркамол ёшлардир.

(Давоми 3-бетда.)

## ШУКРОНА

"Яхши инсон ҳақидаги яхши гапларни иложи борича у тирик чоғида айт. Шундай қилсанг, унинг умри янада узайишига сабаб бўлиши мумкин" деган экан алломалардан бири.

Ҳа, баъзан биргина ширин сўз ҳам киши кўнглини тоғдай кўтаришига, унинг юрагига шодлик уруғини қадашга қодир. Айниқса, кекса отахонлар-у, нуруний онахонларнинг нозик қайишга малаҳам бўлувчи илқ сўз айтиши халқимизга хос эвеу фазилатлардан биридир. Тоғди дунё рафторидан кўнгли тўлмаганида йўли ибратли, ёши улўғ кексалар билан ҳамсуҳбат бўлсак, кўнглидаги гўборлар тўкилади. Зотан, улардан ҳаётнинг мантқиғи-ю, умрнинг қадрини ўрганмоқ мумкин. Қариялари қадр топган юртнинг эса эртаси ёруғ бўлажак.

## "Шу фаровон кунларнинг қадрига етайлик"

Биз ўтаётган ҳар бир куни ёш авлод учун ҳам ибрат, ҳам ғанимат боболар-у, момолар билан дилдан суҳбатлашиш ниятида Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуруний" жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими билан ҳамкорликда Зангиота туманида яшовчи ёши улўғ ҳамюртларимизни зиёрат қилишга чоғландик.

— Туманимизда 57 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 122 нафар меҳнат фахрийси, 5 нафар юз ёш билан юзлашган кексалар умргузаронлик қилишмоқда, — дейди "Нуруний" жамғармасининг Зангиота туман бўлими раҳбари Мирза ота Аҳмедов. — Ҳукуматимиз томонидан уларга барча шарт-шароитлар яратилган. Биз ҳам ҳар доим қундай муътабар инсонларнинг ҳолидан хабар олиб, ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак беришга ҳаракат қилмоқдамиз. Зотан, уларнинг ҳар бири сермазмун ва ўрнатқ бўладиган ҳаёт йўлини бо-сиб ўтишган. Масалан, "Уртаовул" қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи дилқас кексалар билан суҳбатлашсангиз кўп нарсани ўрганасиз.

Бизга "Уртаовул" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Илҳом Юнусматов ҳамроҳ бўлди. Унинг айтишича, ҳар ҳафтанинг чоршанба кунда қишлоқдаги кекса отахонлар йиғилиб, гурунглашишар экан. Биз шундай йиғиннинг устидан чиқдик. Бу ердаги нурунийларнинг барчаси бизни очик чеҳра билан кутиб олишди.

— Болам, мен тўқсонларга кириб қолдим-ов. Худода шукр, 3 қизим, 4 ўғлим, 37 набирам, 45 эварам бор. Ҳозир қишлоғимиздаги фахрийлар кенгашининг раиси бўлиб ишлаяпман. Юртимиз тинч. Кўнглим хотиржам, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Абдуғоzi ота Саидғозиев. — Ёшларга фақат битта гапим бор: бизнинг ёшимизга етиб, ундан ҳам ошиб яшанглр-у, фақат биз кўрган оғир кунларнинг бир дақиқасини ҳам кўрманглр. Шу жаннатдек, фаровон кунларнинг қадрига етиб яшанглр.

(Давоми 3-бетда.)

## САЙЛОВ ВА ДЕМОКРАТИЯ: тажриба, масъулият, ишонч

Сайловнинг демократия кўзгусига қиёслашни бежиз эмас. Зотан, маъкур сиёсий жараёнда фуқароларнинг номзодлар орасидан муносибини таплаш эртанги кунимизнинг фаровонлиги ҳамда мамлакатимиз тараққиётининг муҳим гаровидир. Зеро, ўз соҳасининг етук билимдон, фидойи, сайловчиларнинг ташвишу дарди билан яшайдиган, улар учун хизмат қилишни ўзининг олий бурчи деб биладиган номзодларга депутат деган шарафли, лекин шу билан бирга масъулиятли рутбага сазовор бўлишга муносибдир. Бу эса демократия талабларига ҳам тўла мос келади. Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганидек, "... мамлакатимизда сайлов тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг барчаси, аввало, сайловчиларни очиклик, эркинлик ва ҳақдонийлик асосида ўтказишга қаратилганини қайд этиш лозим". Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Удўбек Абдусаломовни суҳбатга қорладик. Суҳбатимиз юртимизда шакллантирилган миллий сайлов қонунчилигининг аҳамияти, сайловдаги ташвиқоти жараёنларининг ҳуқуқий асослари ва бу жараёни молиялан масаласи ҳамда юртимизда 27 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловларга дунё жамоатчилигининг эътибори хусусида бўлди.

— Суҳбатимиз аввалида 2008 йилнинг 25 декабрь куни қабул қилинган "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонуннинг аҳамияти ҳамда моҳияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтсангиз.

— 2009 йилги сайловларнинг ўзига хос хусусиятини белгилаб берувчи муҳим омиллардан бири бу — одамларнинг фуқаролик масъулияти, сиёсий, иқтисодий фаолияти даражаси бир қанча ошгани, атрофидарга рўй бераётган ҳодисаларга муносабати ўзгариб бораётгани ҳисобланади. Фуқароларимизнинг ислохотларнинг боришига, қонун ижодкорлигига ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига, сиёсий партиялар ҳамда

депутатларнинг дастурий курсатмалари ва амалий фаолиятига баҳо бериш мезонлари сезиларли даражада кўтарилди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида қайд этиб ўтганидек, "Айниқса, сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини кучайтириш, уларнинг ишончли вакиллари сонини

кўпайтириш, сайлов жараёнида уларга қўшимча ҳуқуқ ва ваколатлар бериш, умуман, сайловчиларнинг ҳуқуқини кенгайтиришни кўзда тутадиган бу имкониятлар сайлов тизимини янада такомиллаштиришга катта ҳисса бўлиб қўшилади, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди".



Айни чоғда Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар жараёни, аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти, фуқаролик жамияти институтларининг етуклик даражаси ўсгани ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, вакиллик органларининг фаолиятини шакллантириш ва ташкил этишдаги, уларнинг мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишдаги тўтган ўрнини мустаҳкамлашда сиёсий партияларнинг роли ошганлигидан далолат беришмоқда.

## ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 декабрдаги фармойишига биноан жорий йилнинг 10 декабрдан мамлакатимизда ҳаракат хавфсизлиги ойлиги бошланди. Ойликнинг йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдаги аҳамияти, мақсад ва вазифалари хусусида Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи, полковник Азиз ИНОЯТОВ ЎзА муҳбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш масаласига доимо устувор аҳамият берилмоқда. Хусусан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, давлат ташкилотлари, корхоналар, меҳнат жамоалари ҳайдовчилари, пиёдалар, жумладан, болалар ўртасида профилактик тадбирларни олиб бориш, транспорт воситаларининг техник ҳолатини, йўлларнинг аҳолини яхшилаш ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб

бориш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда йўлларнинг кенг ва раволигини таъминлаш юзасидан қўйилаётган чора-тадбирлар ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган.

Мамлакатимизда транспорт воситаларининг сони тобора ортиб бораётир. Бу юртимизда автомобилсозлик саноати ривожининг ва халқимиз фаровонлиги изчил юксалаётганининг самараси. Шаҳар ва қишлоқларимиз йўлларидан энгил автомобиллар ва автобуслар қатнови сезиларли даражада кўпаймоқда.

2

5

# ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

## САЙЛОВ ВА ДЕМОКРАТИЯ: ТАЖРИБА, МАСЪУЛИЯТ, ИШОНЧ

(Бошланғич 1-бетда.)

Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада эркинлаштириш ва тақомиллаштиришни тақозо этади.

Натижада 2008 йил декабрь ойида парламентимиз томонидан давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан киритилган ҳамда Олий Мажлис томонидан "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни қабул қилинди. Шунингдек, қўрилган керакки, мазкур Қонун мамлакатимизнинг демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан янада ривожланиб боришни таъминлаш борасида улкан аҳамиятга эга бўлган вафаларни ҳал этишга қаратилган бўлиб, унга асосан 13 та қонунга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Бу эса мамлакатимизнинг сайлов қонунчилигини изчил эркинлаштириш ва демократлаштириш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Шу сабабли бўлажак сайловлар сифат жиҳатдан янги сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий шароитларда ўтади. Мазкур қонунга асосан, жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш борасида мамлакатимиз олий қонунчилик органининг ролини ошириш ва мақдони мустақамлаш мақсадига Қонунчилик палатасидаги депутатлик урилари сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди.

Фуқаролик жамияти институтларининг сайловларда қатнашиш имкониятлари кенгайтирилмоқда. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик ҳолатни яхшилаш, одамларнинг соғлиғи масалаларига катта эътибор қарилмоқда ва бундан жамиятнинг барча қатламлари манфаатдордир. Шунингдек, олиб ва мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 15 та депутатлик ўрни, янги қонунга кўра, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланадиган депутатларга ажратилди.

Сайлов қонунчилигидаги сиёсий партияларнинг ваколатли вакили институтини киритилди. Унга сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда, шунингдек имзо варақаларининг тўри тўдирилганлигини текширишда иштирок этиш ҳуқуқи берилди. Депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 тадан 10 тага кўпайди. Қонунчилик киритилган юқоридаги қатор янгиликлар сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича фаолиятининг ошқоралигини таъминлашга қаратилган.

Мазкур қонун сайлов тизимини янада эркинлаштириш ва демократлаштиришда муҳим босқич, мамлакатнинг янгилаш борасидаги ислохотларнинг, унинг кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари изчил олға оидимлашнинг мантикий давоми бўлиб қолади.

— **Жорий йилда давлат ҳокимияти вакиллик органига бўлиб ўтадиган сайловда Ўзбекистон Республикасининг қанча аҳолиси умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан иштирок этишни қўллаётми?**

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида сайловда 18 ёшга тўлган барча Ўзбекистон фуқаролари қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Сайловчилар рўйхатида 17 миллион 297 миң 700 нафар фуқаро киритилган.

— **Ҳозир сайлов жараёнининг муҳим босқичи ташвиқот сайловолди ташвиқоти жараёни кетмоқда. Сайловолди ташвиқоти жараёнида депутатликка номзодларга қандай ҳуқуқлар берилган?**

— Қонунчиликка сиёсий партияларнинг қачон ташкил топганиги, уларнинг аъзолари сони, депутатликка номзоднинг ижтимоий ма-

қеи, жинси ёки бошқа ҳусу-сияларидан қатъи назар сайловолди ташвиқотларини амалга оширишда мулоқот белгиланган. Миллий сайлов қонунчилигида депутатликка номзодларга сайловолди ташвиқотини ўтказишда қатор ҳуқуқлар кафолатланган.

Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27-моддасида депутатликка номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилиши, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиш ҳуқуқи, қонуннинг 28-моддасида депутатликка номзод ўн нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиш ҳуқуқи, 29-моддасида депутатликка номзод сайловолди ташвиқотини амалга оширишда ўртача ойлик иш ҳақи сайлов ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вази-фаларини бажаришдан овоз бўлиш ҳуқуқи, 30-моддасида депутатликка номзод тегишли сайлов округи доирасида давлат йўловчилар транспортининг барча турларида текинга юриш ҳуқуқига эга эканлиги мустақамлаб қўйилган.

Шу билан бирга, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 65-моддасида фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлаш ва сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бериш ҳуқуқларини амалга оширишлариغا эътибор қилинган, таъҳид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршиллик кўрсатувчи шахслар, шунингдек сохта сайлов ҳужжатлари тўзган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, овоз бериш яширинлигини бузган ёки ушбу қонун бошқача тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, бошқа мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг вакиллари қонунга мувофиқ жавобгар бўлишлари белгилаб қўйилган.

Мухтарам Президентимиз ҳам ўз мазкурларида бу масалага алоҳида тўхталиб, "... яна бир бор айтиб ўтишга тўғри келади — қонун барчага тенг. Бинобарин, барча партиялар ва уларнинг номзодлари учун сайловолди жараёнида орқали ва сайловчилар билан бўладиган мулоқот ва учрашувларда, улар олиб бораётган тартиб-от-ташвиқот ишларида тенг ва бир хил шароит тўғрида бериш, уларнинг ҳуқуқ ва интилишларига бир кўз билан қараб, ҳеч кимни ажратмаслик, айтиш керакки, айни шу масалалар сайловолди юксак савияда ўтказишда энг катта ва муҳим ўрин тутади", деб таъкидлади.

— **Сайловолди ташвиқоти жараёнининг ҳуқуқий асослари ва бу жараёнидаги таъбир ҳуқуқий асослари ҳақида гапириб берсангиз.**

— Миллий сайлов қонунчилигида сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ ҳуқуқий асослар мустақамлашган бўлиб, улар мазкур таъбирнинг тенг, адолатли, оқиб ва ошқора асосда олиб борилишини тўла кафолатлайди. Ававалмбор, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат ҳокимияти вакиллик органига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, шунингдек, ҳар бир сайловчи бир овозга эга эканлиги, овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатлангани мустақамлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида сайлов тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги ва бошқа қонунларида сайловолди ташвиқотини амалга оширишга доир қоида-таъаблар мустақамлашган.

Сайловолди ташвиқоти оид қонунлар билан белгилашда "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун муҳим

аҳамиятга эга. Ушбу қонунининг 12-моддасига мувофиқ сайловчилар ҳокимиятнинг вакиллик органига қўрсатилган номзодларни ёқлаб ташвиқот юритиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундан ташқари, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 27-моддасига мувофиқ ва "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 25-моддасига биноан сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепцияда сиёсий партияларга, депутатликка номзодларга ўз сайловолди дастурларининг қонунларини, уларда акс этган мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларига доир нукта назарларини сайловчиларга, жамоатчиликка етказиш мақсадига оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кенг ва тенг имкониятлар яратилиши белги-ланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида фуқароларнинг сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддасига мувофиқ, сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасига ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органига сайловолди иштирок этишини молиялаштириш белгиланган тартибда фақат ана шу мақсадлар учун ажратилган давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Сиёсий партияларнинг сайловолди молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштириш билан боғлиқ жихатдан ўзгача тарзда қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

Шу билан бирга, мазкур қонунга кўра, Қонунчилик палатасига сайловда сиёсий партияларнинг иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари ҳисобидан сиёсий партия томонидан сайловолди ташвиқоти юритиш учун давлат бюджетидан маблағлар ажратилди. Ўзбекистон Республикасининг "Сиёсий партияларнинг молиялаштириш тўғрисида"ги Қонунининг 8-моддасига мувофиқ, сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасига ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органига сайловолди иштирок этишини молиялаштириш белгиланган тартибда фақат ана шу мақсадлар учун ажратилган давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Сиёсий партияларнинг сайловолди молиялаштириш билан боғлиқ жихатдан ўзгача тарзда қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

— **Сайлов жараёнида маҳаллий ва хориж давлатларидан ташриф буюрган қанча кузатувчи қатнашади ҳамда улар қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишади?**

— Алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда халқаро ҳамжамиятнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларга, хусусан тегишли давлат

ҳокимияти органларига ўтказиладиган сайловларга бўлган қизиқиш тобора ор-тиб бормоқда. Шу ўринда, сайловлар жараёнида хорижий кузатувчиларнинг ишти-рок этиши тегишли қонун-чилик билан кафолатланган-лигига эътибор қаратиш лозим.

Сайловлар ўтказиш жараёнида хорижий кузатувчи-ларнинг иштирок этиши билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мақсадига Марказий сайлов комиссияси томонидан "Ўзбекистон Республи-каси Олий Мажлиси Қонун-чилик палатасига сайловда бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлар-дан қатнашадиган кузатувчи-лар тўғрисида"ги Низом қабул қилинган.

Мазкур Низом билан хорижий (халқаро) кузатувчи-ларнинг ваколатлари ва фа-олият кўрсатиш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбури-ятлари батафсил тартибга солинган.

Дарҳақиқат, сайловларни эркин ва адолатли, оқиб ва ошқора ўтказишда кузатувчи-лар институтининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Зеро, хорижий ва маҳаллий куза-тувчиларнинг сайлов жараё-нида иштирок этиши сайлов-нинг умумийлик ва тенглик, овоз беришини яширинли-ги, адолатлилик, эркинлик, ошқоралик ва масъуллик каби демократик тамойилла-рига риоя этилишига хизмат қилади. "Ўзбекистон Респу-бликаси Олий Мажлисига сай-лов тўғрисида"ги, "Халқ де-путатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида сайлов тўғрисида"ги қонунларга му-вофиқ, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча таъбирларда, шу-нингдек сайлов кунини овоз бериш ҳоналарида ва овоз-бериш санаб чиқишда депу-татликка номзодлар қўрсат-тадан сиёсий партиялардан бит-тадан кузатувчи (халқ депу-татлари вилоят, туман ва ша-ҳар Кенгашларида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда шунингдек, фуқаро-ларнинг ўзини ўзи боқар-чи органларидан биттадан кузатувчи), оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлар-дан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Марказий сайлов комис-сиясининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги мажлиси-да хориж давлатлари, халқаро ташкилотлар ва ҳаракат-лардан Ўзбекистон Респу-бликаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сай-ловда қатнашувчи кузатувчи-ларнинг рўйхатга олиш тўғри-сидаги масала қўриб чиқил-ди ва тегишли қарор қабул қилинди. ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси-нинг сайловларни баҳолаш бўйича миссияси, Мустақил давлатлар ҳаммуштарлиги, Шан-хай ҳамкорлик ташкилоти, Ислол конференцияси таш-килотидан кузатувчилар ми-сйалари, шунингдек, 36 дав-латдан, шу жумладан, Авст-рия, Бельгия, Венгрия, Буюк Британия, Германия, Греция, Миср, Исроил, Ҳиндистон, Испания, Италия, Индонез-ия, ХХР, Кувейт, Латвия, Малайзия, Голландия, БАА, Покистон, Польша, Корея Республикаси, Россия Феде-рацияси, Словакия, Саудия Арабистони, АҚШ, Туркия, Украина, Франция, Япония ва бошқа мамлакатлардан бўлажак сайловда халқаро кузатувчи сифатида иштирок этиш учун 250 дан ортик ва-кил рўйхатга олинди.

— **Дарҳақиқат, сайлов қонунчилигида кура, фуқаролик жамияти институтларининг сайловларда қатнашиш имкониятлари кенгайтириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик ҳолатни ях-шилаш, одамларнинг соғ-лиғи масалаларига катта эътибор қаратилаётганлиги ва бундан жамиятнинг барча қатламлари манфаат-дор эканлигини ҳисобга олиб ва мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бўлини-шидан келиб чиқиб, Ўзбеки-стон Республикаси Олий Ма-жлиси Қонунчилик пала-тасининг 15 та депутатлик ўрни Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланадиган депутатларга ажратилди.**

— **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 47-моддасига кўра, Ўзбекистон Экологик ҳаракати-дан Қонунчилик палатаси-нинг ўн беш депутати ма-зкур ҳаракатнинг олий орга-ни (Конференцияси) томо-нидан Марказий сайлов ко-миссияси белгиладиган му-ддатларда сайланади ҳамда ушбу ҳаракатдан де-путатликка номзодлар қўрсатиш ва уларни сайлаш тартиби Марказий сайлов комиссияси томонидан бел-гиланади. Шундан келиб чи-қиб, Марказий сайлов ко-миссияси томонидан жорий йилнинг 17 сентябрида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-си Қонунчилик палатаси-га, халқ депутатлари вилоят, ту-ман ва шаҳар Кенгашлари-га сайлов бўйича сайлов кам-панияси бошланганини эълон қилиш тўғрисида"ги қарорда Ўзбекистон Эколо-**

сида ушбу қонуннинг бузи-лишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори сайлов комиссиясига маълум қилиш.

— **Юртбошимиз ҳам куза-тувчиларнинг сайловдаги иштироки ҳақида тўхталар-кан, кузатувчиларнинг сай-лов жараёнидаги умумэти-роф этилган сайлов қонун-чилигида миссияларига ай-рим ҳолатлар юзасидан бир-дирган эътирозларига ҳур-мат билан қараш, уларнинг фикрларига эътибор қара-тиш лозимлигини таъкидла-ди. Бу қимматли фикрлар фаолиятимизда дастури-лаб бўлиб хизмат қилиши-га шубҳа йўқ.**

— **Депутатликка ном-зодлар қорхоналар, таш-килотлар ёки бошқа жи-соний шахслар томонидан сайловолди ташвиқоти жараёнида моддий жи-ҳатдан қўллаб-қувватла-ниши мумкинми?**

— "Ўзбекистон Респу-бликаси Олий Мажлисига сай-лов тўғрисида"ги Қонуннинг 64-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловга тайёргар-лик кўриш ва уни ўткази-ш билан боғлиқ харажат-лар давлат маблағлари ҳис-обидан амалга оширилади. Қонунчилик палатаси депу-татлигига ва Сенат аъзоли-гига номзодларнинг бошқа маблағлар ҳисобидан мо-лийвий таъминлаш ва моддий жиҳатдан ўзга тарзда қўлла-қувватлаш тақиқланади.

Шу билан бирга, алоҳида таъкидлаш жоизки, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар сайлов ўт-казиш учун ўз маблағларини ихтиёрий равишда бери-шлари мумкин. Бу маблағлар-ни Марказий сайлов комис-сияси сайлов кампанияси вақтида фойдаланиш учун қабул қилиб олади, сиёсий партияларга, депутатликка номзодларга бир хил ва тенг шароитлар яратиш мақ-садига тасаруф этади.

— **Маълумки, Олий Мажлис Қонунчилик пала-тасидаги 150 депутатлик ўринларидан 15 таси Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланадиган депутатларга ажратилган. Улар Ўзбекистон Экологик ҳаракати олий органи (Конференцияси) томонидан Марказий сай-лов комиссияси белгила-диган муддатларда сай-ланиши айтиб ўтилган. Бу қачон амалга ошири-лади?**

— Дарҳақиқат, сайлов қонунчилигида кура, фуқаро-лик жамияти институтларининг сайловларда қатнашиш имкониятлари кенгайтириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик ҳолатни ях-шилаш, одамларнинг соғ-лиғи масалаларига катта эътибор қаратилаётганлиги ва бундан жамиятнинг барча қатламлари манфаат-дор эканлигини ҳисобга олиб ва мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бўлини-шидан келиб чиқиб, Ўзбеки-стон Республикаси Олий Ма-жлиси Қонунчилик пала-тасининг 15 та депутатлик ўрни Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланадиган депутатларга ажратилди.

— **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 47-моддасига кўра, Ўзбекистон Экологик ҳаракати-дан Қонунчилик палатаси-нинг ўн беш депутати ма-зкур ҳаракатнинг олий орга-ни (Конференцияси) томо-нидан Марказий сайлов ко-миссияси белгиладиган му-ддатларда сайланади ҳамда ушбу ҳаракатдан де-путатликка номзодлар қўрсатиш ва уларни сайлаш тартиби Марказий сайлов комиссияси томонидан бел-гиланади. Шундан келиб чи-қиб, Марказий сайлов ко-миссияси томонидан жорий йилнинг 17 сентябрида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-си Қонунчилик палатаси-га, халқ депутатлари вилоят, ту-ман ва шаҳар Кенгашлари-га сайлов бўйича сайлов кам-панияси бошланганини эълон қилиш тўғрисида"ги қарорда Ўзбекистон Эколо-**

гик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-си Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови бўйича Ўзбекистон Экологик ҳаракати-нинг Конференцияси белгиланган тартибда 2009 йилнинг 27 декабрида ўткази-лиши белгилаб қўйилди.

— **Юртимизда 27 де-кабрь кунини бўлиб ўтади-ган умумхалқ сайловида дунё жамоатчилигининг эътибори қай даражада?**

— Бугунги кунда халқаро ҳамжамиятнинг мамлақати-мизда амалга оширилаётган демократик ислохотларга, хусусан тегишли давлат ҳокимияти органларига ўткази-ладиган сайловларга бўлган қизиқиши тобора ор-тиб бормоқда.

Маълумки, Марказий сай-лов комиссиясининг ташки-лотчилигида Ўзбекистон сайлов тизимининг ривож-ланиши, давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги де-мократик ўзгаришларнинг бугунги аҳоли, келгусида-ги истиқболлари масалала-рига бағишланган 5 та халқаро конференция, семинар ва давра суҳбатлари ўткази-лди. Уларда таниқли хори-жий экспертлар, бошқа давлатлар фуқаролик жамия-ти институтлари ва ОАВ ва-киллари фаол иштирок этишди. Шу кунга қадар Россия, АҚШ, Германия, Хитой, Туркия, Миср ва бошқа хорижий давлатлар-нинг ахборот агентликлари ва оммавий ахборот восита-лари вакиллари Ўзбекистон Республикасида парламент сайловига оид материаллар-ни эълон қилишди. Жумла-дан, яқинда Португалияда чиқадиган "Сўз" газетаси «2009 йилнинг 27 декабри-да Ўзбекистонда Парламент сайлови бўлиб ўтади» сар-лавхали мақола эълон қилди. Унда мамлакатимиз-даги ижтимоий-иқтисодий юксалиш алоҳида қайд эти-лиши баробарида, сайлов жараёни ҳақидаги маълумот-лар ўз ифодасини топан бўлиб, ўзининг демократик қоида ва тамойилларга мос равишда ташкил этилаётган-и ва сайловда қатнашаёт-ган сиёсий партиялар учун кенг ва тенг имкониятлар яратилаётганлиги ургу берил-ган.

Ўзбекистоннинг Парижда-ги элчихонасида эса парла-мент сайловига бағишланган брифинг ўтказилди. Унда Франциянинг етук сиекатчи-лари, оммавий ахборот восита-лари, бир қатор давлат-ларнинг дипломатик мис-сиялари ва халқаро ташки-лотлар, хусусан, ЮНЕСКО вакиллари иштирок этишди.

Шунингдек, сайловолди жараёнида оид ташкилий тайёргарлик ишлари, мазкур таъбирнинг ҳуқуқий жиҳат-лари мамлакатимизда фа-олият кўрсатаётган хорижий элчихоналар раҳбарларида ҳам қизиқиш уйғотмоқда. Жумладан, 30 ноябрь кунини Буюк Британиянинг Ўзбеки-стондаги Факултетада ва мух-тор элчиси Руперт Жой Мар-казий сайлов комиссиясига ташриф буюрди. Бундан ташқари, Марказий сайлов комиссияси томонидан 30 га яқин хорижий давлатларнинг оммавий ахборот восита-лари вакиллари акредитаци-ядан ўтказилди.

— **Юқоридаги мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, бу-гунги кунда давлат ҳокимия-ти вакиллик органига ўткази-ладиган сайловларга халқаро ҳамжамиятнинг қизиқиши тобора ортмоқ-да. Бу эса ҳар биримиздан, шу жумладан сайлов ташкилот-чиларидан, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзо-ларидан юксак масъулият та-лаб қилади. Ушбу масъули-ятни ҳис этиб ишлаш — ҳар бир сайлов комиссияси аъзо-сининг муҳим вазифасидир.**

Бир сўз билан айтганда, 27 декабрь кунини мамлақати-мизда бўлиб ўтадиган сай-ловда фуқароларимиз муно-сиб иштирок этиб, ўзларининг хоҳиш ва иродаларини яна бир бор намоийш этишларига шубҳа йўқ. Зеро, Президентимиз таъ-кидлаганидек, "... кўпни кўрган, эл-юрт тақдирига масъулият билан андашадиган халқимиз бу сиёсий жа-раёнинг нақадар улкан аҳа-миятга эга эканини чуқур англаган ҳолда, сайловда аввало фаол иштирок этади ва ўзининг, оиласининг эзу орау-мақсадларини рўйга чиқарш, юртимизнинг тинч-лиги, Ваганимизнинг тарақ-қияти учун овоз беради".

— **Иномон АБДИЕВ сўхбатлашди.**



### Богдорчиликка эътибор

Элликқалъа тумани маркази — Бўстон шаҳарчаси кенг, равои кўчалари, кўкка буй чўзган баланд теракларни, кўркам иморатлари ва Ақчақул номли ойдин кўли билан бир эрга ташри-ф буюрган ҳар бир кишини мафтун этади. Яқинда шаҳарчадаги "Ботаника боғи"да богдор-чиликни ривожлантиришга бағишланган кўрғаз-ми семинар бўлиб ўтди. Тадбирда Қорақалло-ғистон Республикасининг туманларидан келган тажрибали богдорлар иштирок қилиб, тажриба алмашишар. Бундан кўзланган мақсад келгуси йили богдорчиликни янада ривожлантириб, жан-натмакон юртимизнинг тўзаллигига муносиб ҳисса қўшишар.

Ҳойиб ЁҚУБОВ, "Hurriyat" мухбири.

### Германия лойиҳаси асосида

"Келажакнинг сафдош мактаблари" — ГФР ташқи ишлар вазирлиги томонидан ишлаб чиқ-рилган кенг кўламли таълим лойиҳаси ана шун-дай номланган. Фарғона политехника институ-ти қўшилди "Ермозор" академик лицейи ва яна иккита таълим муассасаси — Тошкентдаги "Шай-хонтоҳур" лицейи ҳамда Урганчида 19-умум-таълим мактаби ушбу лойиҳанинг Ўзбекистон-даги биринчи иштирокчилари бўлди.

Мазкур таълим муассасаларида энг замона-вий асбоб-ускуналар, интерактив кўрғазма тах-талари, интернетга уланган компьютерлар, не-мисча дарсликлар ва бадий адабиётлар билан жиҳозланган немис тили марказлари очилган. "Келажакнинг сафдош мактаби" лойиҳаси ҳозирча 1000 тадан иборат бўлиб, дунёнинг тур-ли мамлакатларига тарқатилган. Битирувчилар-га немис тили бўйича махсус дипломлар бери-лади ва келажакда улар учун Германия олий-гоҳ-ларида ўқини имкониятлари тўғилади.

Совх ҚАҲҲОР, "Hurriyat" мухбири.

### Ибратли маҳалла

Самарқанд шаҳрида 192 маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд Хусусан, "Мир Саид Барака" маҳалласи республикамиз маҳаллалари ичиде энг намунали маҳалла деб эътироф этилган. Маҳал-ла оқоқоли, Республикада хизмат кўрсатган чорвалар Суннат Кубаев мамлакатимиз муста-қиллигининг 17 йиллиги байрами арафасида Пре-зидентимиз Фармонига кўра "Эл-юрт хурмати" орденига сазовор бўлган.

Жорий йилда ҳам маҳаллада бир қатор хайр-ли ишлар амалга оширилди. Жумладан, 10 ой давомида қон таъминланган оилаларга қарийб 20 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Республика "Гурунин" жамғармаси нурунийлар-га кўрсатаётган бегараз ёрдам учун маҳалла ра-исининг 1 даражали диплом билан тақдирланди.

Яна шуниси қувонарлики маҳалла ҳудудидеги 14-сонли мишйиш таянч пункти участка ноизи-рига тартиб-ишғоз ва кейинги йилларда би-рор жиноят содир этилмагани учун Ички иш-лар вазирлиги томонидан "Матиз" автомобил-и берилди. Яқинда вилоят миқёсида "Ёқосан" жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган тад-бирда ҳам "Мир Саид Барака" маҳалласи ҳар томонлама голий деб топилиб, 1 даражали дипло-м ва пул мукофотини қўлга киритди.

# ЖАРАЁН

## ОЗОДЛИК ВА ОБОДЛИК ОЙДАН ТУШМАГАН

(Бошланғич 1-бетда.)

Бугун дунёнинг турли бурчакларида бўлиб ўтаётган нуфузли илмий анжуманларда, жаҳон чемпионатлари ва халқаро кўрик-танловларда қўлини кўксига қўйиб даврага чиқарган очик чеҳрали йигит-қизларни чет элликлар алоҳида диққат-эътибор билан кузатишади.

Йигирма йиллик машаққатнинг, матонатнинг маҳсули бу! Бизнинг ёшларимиз қаерда бўлмасин, Ўзбекистон аталмиш муқаддас Ватан шарфини муносиб ҳимоя қилишади. Ижрочилик маҳорати, санъат асарлари, ноёб илмий кашфиётлари билан барчани ҳайратга солаётган, голиблик шоҳсупасида юрт байроғини боши узра баланд кўтариб, она диёр довруғини етти иклимга таратаётган йигит-қизларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Истиклол ниҳоллари бугун азим дарахларга айланди. Улар кўзни қувонтириб ажойиб ҳосил бера бошлади. Буларнинг толеи баланд, бахту икболи хали олдинда. Жаҳон Ўзбекистонимиз каби фарзандларимизнинг ҳам келажаги буюқдир.

Элим, юртим деб ёниб яшашнинг, узокни кўра биллишнинг натижаси бу!

Бу дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳаммаша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди. Бугунги кунда қилаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг бахту саодати, ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Лекин бахту саодат фақат бойлик, молу мулк билан белгиланмайди. Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, аймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлиғидир.

Узимизга хос, ўзимизга мос тараққиёт йўлининг фал-

сафаси бу!

Муқаддимада сўзни хассос адибимиз ишораси янглиг яқин ўтмишдан бошлаган эдик. Баркамол авлод ҳақида гап кетганда, шу давр ораллигидаги яна бир воқеани, ўзгалар эътироф этган жиддий рақамларни келтирмак жоиз: «Ўзбекистонда 17 ёшгача бўлган соғлом авлод 10 миллион 924 кишини ташкил этади. Бу кўрсаткич бўйича Болгария ва Молдова Ўзбекистондан 10 баробар, Венгрия, Чехия, Туркменистон ва Қирғизистон 5 баробар, Тожикистон 3 баробар, Қозоғистон 2 баробардан кўпроқ орқанда. Мамлакат келажаги бўлган ёш фуқаролар сони бўйича Ўзбекистон Украинадан ўзиб кетди».

ЮНИСЕФ эълон қилган «2003 йил ижтимоий мониторинг»нинг айрим сатрлари бу!

Етти минг уч юз кундан буён Ватан равнақи, халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шарт сифатида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга катта эътибор бериб келинаёпти. Бу эзгу мақсадни амалга ошириш учун ёшларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, жисмоний тарбия ва спортни кенг ривожлантириш ишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. 1991 йилнинг ноябрь ойидаёқ Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида», 1992 йилнинг январь ойида эса «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниши фикри мизнинг тасдиғи бўла олади.

Эркин ва озоод, ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, фақат ўз кучи ва имкониятларига таянмаган, она юрт манфаати учун бутун борлиги билан қурашаётган инсонларни тарбиялашда жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатининг ўрни ва аҳамияти беқиёс экани мамлакат Президенти томонидан белгилан берилди.

Ана шу долзарб вазифани



бажариш учун, аввало, ўқувчи-ёшларда катта иштиёқ, қизиқиш уйғотиш орқали уларни спортга узлуксиз жалб қила оладиган, миллий таълим доирасида ўтказиладиган, ёшларни соғломлик, қомиллик ва гўзаллик гоғларини руҳида тарбиялайдиган ўзига хос оммавий ҳаракат шакллантирилди.

Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий ўқув юрталари талабаларининг «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» оммавий спорт мусобақаларини қамраб олган уч бўғинли ягона тизим — умум-миллий узлуксиз спорт ҳаракати модели юзга келди.

Юртимизда яшайдиган ҳар бир инсон бундан ҳар қанча ифтихор қилса, бошини баланд кўтарса арзийди. Лекин ана шундай гурурла-

ниш баробарида, биз бунга қандай эришдик, деган саволга аниқ жавоб топиш ва ундан тегишли хулосалар чиқариш олдимизга қўйган навибатдаги янада улғувор мақсадларга етишда муҳим омили бўлиб хизмат қилиши табиий. Зеро, халқимиз азаддан ўз ўтмишини, тарихини унутмаган, аждоқларини эъзозлаган ҳолда келажаққа, тараққиётга интилиб яшаган. Ҳозир ҳам шундай.

«Ўзбекистон Республикасининг биринчи ва иккинчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени тасвир этилсин». Бу сатрлар Президент Ислам Каримов томонидан 1993 йил 7 май санаси билан имзоланган Ўзбекистон Республикаси қонундан олинган. Унинг алоҳида таъкидлайдиган томони шундаки, мазкур ордени муснақил юртимизнинг биринчи ордени сифатида таъсис

этилди. Бойси аён. Буюк келажакка интилаётган халқ интеллектуал салоҳиятига эга соғлом авлод тарбиясига устувор вазифа сифатида қаради. Эзгу мақсад билан бошланган ҳар бир ишнинг замирида баркамол авлод орзуи мустаҳкам ўрин эгаллади.

Ҳар қандай иморат, умуман, том маънодаги бунёдкорлик пойдевордан бошланади. Лекин ташқи алоқалар узилган, иқтисодий таназзул қилич ялонғочлаб турган бир пайтда, катта маблағ талаб этилишига қарамай, лицей ва коллежлар қурилишига киришилгани, соғлиқни сақлаш ва таълим тизими тубдан ислоҳ қилина бошлагани, Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури ишлаб чиқилгани эртанинг пойдевори эканини англамаган кўп эди ўшанда.

Умид билан суқилган таёқ, бир кун берар мева-ю япроқ, деганларидек, ўша мураккаб ва оғир қийинчилик даврида узокни кўзлаб қилинган ишлар бугун халқаро ташкилотлар-у экспертлар таъкидотида бўй кўрсатиб турибди.

— Биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср, — деди давлатимиз раҳбари Бош Қомусимизнинг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда. — Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун қундалик ҳаёт мазмунига айланмаса — бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар.

Юқорида таъкидланганидек, ҳар қандай юртининг ёшлари шу халқнинг чекизи қудрат манбаига менғалса, муболаға бўлмаса керак. Кўрсатилаётган гамхўрликдан руҳланган ёшлар эса ҳаёт аталмиш денгизда кучли тараққиёт тўлиқини ҳаракатга келтира олиши бугун ҳеч кимга сир

бўлмай қолди. Шунинг учун ҳам халқаро таъкидчилар қайси давлатнинг қанча янги соғлом авлоди борлигини ҳисоблашга уринмоқда. Шунинг учун аввалида бизнинг ҳаракатларимизга писандсиз қараганлар бугун ҳар йилни бир ном билан атаяпти, биздаги каби мусобақа ва оммавий тадбирлар ўтказишга интиляпти. Улар ҳатто болалар спортини ривожлантириш чораларига ўзлари кашф қилган янгилик сифатида қарамоқда. Биз бошқаларнинг «Америка очишига» зинҳор қарши эмасмиз. Эзгу гоғларнинг ёйлаётгани муҳим, бунда кимдир ўзини гоғ асосчиси деб кўрсатиб, сохта обрў орттиришга уринаётгани эмас. Тарих эса ҳаммасини ўз ўрнига қўяди. «Алгоритм», «алгебра» атамалари кўп эди ўшанда бўлмагандир, ахир!

Ҳаётимиздаги бу улкан ўзгариш ва юксалишлар, ёшларимиз орасида йилдан-йилга чемпионларнинг, турли халқаро танловлар гоғлиларининг кўпайиши ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. Таниқли санъаткор қуйлаганидек, чиндан ҳам Ватанимизнинг озодлиги ҳам, элимиз ободлиги ҳам ойдан тушмаган. Изчиллик билан амалга оширилаётган, узокни кўзлаб юритилаётган сиёсатнинг самараси бу!

Ўтган йиллар давомида баркамол авлод тарбияси йўлида қилинган жамики ишлар жаҳон жамоатчилиги томонидан буюк келажакка буюк сармоя деб эътироф этилгани ҳам бежиз эмас. Йигирма йиллик тинимсиз меҳнат, бошқалардан ажралиб турадиган танглик ва мардликнинг хосияти бу! Осуда тунарлар, осийошлар кунлар, тиниқ тонглари ана шу мардликнинг муқофоти, ҳамиша олға бошлаётган куч эса оқибатли, қаноатли ва қатъият элнинг ҳароратли муҳаббатидир.

Озод РАЖАБОВ

### “Шу фаровон кунларнинг қадрига етайлик”

(Бошланғич 1-бетда.)

Отахонларнинг яна бирини суҳбатга тортидик.

— Менинг ҳам 58 эвара бор, қизим. Шу ёшларга қараб туриб, уларга жуда ҳавасим келади. Шундай тинч замонда ўғиб, ўрганиб, бахтли яшаш уларга насиб этаяпти-да. Кўз тегмасин, — дейди Тўра ота Жўрабоев. — Фарзандларим, маҳалла-қўй, қишлоқдошларимиздан жуда миннатдоримиз. Биз кексаларни кўнглимизга қараб, йўқлаб туришибди. Тўйми, маъраками, бизнинг маслаҳатимиз-си эши улғайди. Шукрки, ёши улғайгани улғайдиган шундай юртда, шундай замонда яшаймиз.

Улар ўтган навқирон дамларини эслаб, гоҳ қувнок, гоҳ маънос тортиб, ҳикоя қилишди. Уларнинг сўзларини тингларканман, Тангридан ёш авлодга ибрат бўлгулик ҳаётий тажрибага эга бўлган қалби бутун, тоза виждонли нурунийларимизнинг яна узок йиллар соғ-саломат юр кечириларини юрагимнинг туб-тубидан сўрадим.

Отахонлардан дуо олиб, улар билан хайрлашар эканмиз, қўшни қишлоқда табаррук ёшдаги онахон борлиги ҳақида эшитдик. Ўша ерга борганимизда бизни “Зангиота” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Нарғиза Аҳмедова қарши олди.

— Юзларидан нур ёғилиб турадиган 106 ёшли бу онахоннинг исми Малика Ингомова. Мени ҳайратга солган нарса: у киши ҳануз энг кичик эвара-си кўмағида миллий хунармандчилигимиз ҳисобланган қуроқ тикиш билан шугулланади, — дейди Нарғиза она. — Кўзлари хира тортиб қолгани учун эвара-си 12 ёшли Дилноза мато қийқилларини бир-бирига улаб берса, ая ажойиб поёндозлар, чоинақларнинг остига қўйиладиган сочқилар тўқийди. Аянинг ўзига хос гўзал характери бор.

Малика аянинг хонадонига кириб бордик. Дарҳақиқат, қариси бор уянинг париси бор, деб бежиз айтишмаган. Шинамгина ҳовли, миллий услубда тикланган уй ҳар қандай кишида илиқ таъкир уйғотади. Аянинг кичик келини Халима она ҳовли ўртасидаги ўрикка ишора қилиб, самимий табассум билан шундай деди:

— Ойим ўрикнинг гуллашини томоша қилишни жуда ёқтирадилар. Кўклар келди дегунча, ўрик дарахти эндигина куртак чиқарганидан бошлаб, гуллаб гули тўкилиб бўлгунча унинг ёнидаги сўрида ўтириб, томоша қиладилар. Биз ҳам ҳар доим уларга шерикимиз. Ҳа, гўзаллик шайдоларининг кўнгли пок, юраги тоза бўлади, дейишади. Малика ая билан суҳ-

батлашар эканмиз, бу фикрга яна бир бор амин бўлдик. Аядан узок умр кўришининг сирини ҳақида сўраганимизда эса шундай жавоб бердилар:

— Ниятда гап кўп, болам. Фақат яхши ният билан Аллоҳдан бутун ризқ сўраш керак. Ундан сўнг, ҳалол яшаган одамнинг кўнгли хотиржам бўлади. Кўнгли хотиржамлидан улғуроқ саодат йўқ. Фақат ҳалол меҳнат қилиб, яхши ният билан узок яшанглари, болам.

Аянинг пурмазно сўзларини тинглаб, юртимизнинг тинчлиги-ю, кексаларимизнинг барҳаётлигига шукроналар келтирдик. Ҳадиси шарифларнинг бирида “Катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат кўрсатмаганлар биздан эмас” дейилади. Сафаримиз давомида ёши улғайларга кўрсатилаётган гамхўрлик-у, эҳтиромнинг гувоҳи бўлиб, кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Зотан, ҳикमतларда айтилганидек, Аллоҳ соф кўнгли кексаларнинг дуолари туфайли одамларга марҳамат кўрсатади ва ризқимизга барақат беради.

Хайрлашиш олдидан Малика ая қўлларини очиб, дуо қилдилар:

— Аллоҳ, юртимизга ҳамиша тинчлик, хотиржамлик ато этсин. Давлатимиз раҳбари омон бўлсин, сиз ёшларга ҳам узок умр берсин, болам.

Ситора ТОЖИДДИНОВА, “Hurriyat” муҳбири.

### Тиббий маданият ва бахтли турмуш

**Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол этиб воёга етказиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, жисмоний ҳамда маънавий баркамол авлодни воёга етказиш жамиятимиз олдига турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада юртимизда етарли норматив-ҳуқуқий асослар яратилган.**

Айниқса, Юртбошимиз ташаббуси билан 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2009 йил 1 июлдаги “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни воёга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлар бу борадаги ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ушбу қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлган каби Жиззах вилоятида ҳам бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Хусусан, вилоят адлия бошқармаси билан Дўстлик туман тиббиёт бирлашмаси ўртасида ўрнатилган самарали ҳамкорликка асосан фуқароларнинг тиббий кўриқдан сифатли ўтишларини таъминлаш ва касалликлар аниқланган шахсларни даволаш чоралари кўриломоқда. Масалан, Дўстлик туманида туғуруқ ёшидаги 12 275 аёлнинг барчаси тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилди. Олиб борилган доимий мониторинглар натижасида шаърий никоҳини қонунийлаштирмаган 29 та оила аниқланди ва уларнинг никоҳлари белгиланган тартибда қонунийлаштирилди.


Бундан ташқари вилоят адлия бошқармаси ҳамда ФХДЭ бўлимлари томонидан мунтазам равишда аҳолининг тиббий маданиятини ошириш ва соғлом оилани шакллантириш, оила-никоҳ муносабатларини тартибга солиш, қонуний никоҳ орқали оила қурганларнинг ҳуқуқий ҳимоя қилингани, шаърий ва қариндош уруғлар ўртасидаги никоҳларнинг оқибатлари юзасидан чекка ҳудудларда ҳам тарғибот ишлари ташкил этилмоқда. Бунда ФХДЭ бўлимлари маҳалла маслаҳатчилари билан биргаликда қариндош-уруғлар ўртасида тузилаётган никоҳларнинг олдини олиш мақсадида кенг жамоатчилик назоратини йўлга қўйди. Масалан, қариндошлар ўртасида никоҳ тузилаётганидан хабардор бўлган ҳолларда уларга бунинг салбий оқибатлари, келажакда фарзандлари соғлиғига салбий таъсири тўғрисида тушунтириш ишлари олиб бориляпти.



Тадбирларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида туманлардаги хотин-қизлар кўмиталари, соғлиқни сақлаш бўлимлари ва маҳалла жамғармалари билан ҳамкорликда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Жумладан, жорий йилнинг 10 ойи мобайнида аҳоли ўртасида 296 та маъруза қилинди, 60 та давра суҳбати, 106 та савол-жавобга асосланган йиғинлар ўтказилди. Туғуруқ ёшидаги аёллар учун “Соғлом турмуш тарзи асослари”, “Келин-куёвлар сизлар учун” мавзуларида рисола-лар тайёрланиб, қишлоқ врачлик пунктларига тарқатилди. “Репродуктив саломатлик ва жинсий тарбия” мавзуларида варақа, “Она сутининг моҳияти” ҳақида эслатмалар тайёрланди. Олиб борилаётган чора-тадбирлар эса ўз натижасини бермоқда.

Бекзод АРТИКОВ, Жиззах вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

#### САМАРА



#### Янги сиҳаттоҳ

Беруний туманининг Шоббоз қишлоғида туғилиб, воёга етган Тўхтаҳон Файзуллаева ёшларнинг шифокор бўлиши орзу қиларди. У дастлаб туман касалхонасида акушер-гинеколог, сўнгра даволаш ишлари бўйича бош врач ўринбосари бўлиб ишлади. Филолий шифокор мамлакатимизда машҳур бўлган “Қиётобод” санаторийсини ишга туширишга ҳам ўз ҳиссасини қўшганини.

У ташландиқ кўл ўрнида янги сиҳаттоҳ барпо қилишга киришди ва уни яқинда ишга туширишга муваффақ бўлди. “Қишлоқ тарққиёти ва фаровонлиги йили”-да фаолият кўрсата бошлаган мазкур “Рейнбой — Тўхтаҳон” сиҳаттоҳи Шоббоз қишлоғига ўзгача кўрк ва файз бағишлади. Энг муҳими, энди қишлоқ аҳли узокқа бориб юрмай, бу ажойиб шифо масканда саломатликларини мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлишга қодир бўлади.

Саъдулла ОШЛОМОВ Қорақалпоғистон Республикаси.

#### Бебаҳо неъмат

Табиат ва ундаги барча мавжуд нарсалар инсон фаровонлиги учун хизмат қилиши керак. Лекин бу дегани инсон табиат неъматларидан палла-партиш фойдаланиб, уни ҳоҳлагунча ўз манфаатларига бўйсундириши мумкин дегани эмас. Шу боисдан ҳам она табиатни авайлаб-асрашмиш, қадрлашмиш, зарур бўлса дарахт қўчаларини ўтказиб, ёй-атрофнинг яшилликка бурканишига ҳисса қўшишмиш лозим.

Яқинда Бухоро вилоятининг Қоровулбозор тумани чўлларини кезиб, фермер укамиз Ёрқиннинг хонадонига борганимизда ажойиб манзаранинг гувоҳи бўлдм. Бу хонадон гўё чўл ўртасида барпо этилган бир жаннатга ўхшарди. Шинам қурилган уй, атрофи боғ-роғ. Гуллар, райҳон ҳиди дарров димо-нишнинг қипқайди. Бир томонни кўм-кўк бедзор, бир томонда эса макказор. Ҳовлининг бир эшиги ҳовуз ҳам қурилган. Бунинг сирини билмоқчи бўлдм, аммо Ёрқин бизни чўл барига етаклади. Тахминан икки чакирмика нарида сув тортиб берувчи насос ўрнатилган экан. Фермер бошга боғу роғининг сирини мана шу насосда эканини тушунишга кетди. Кейин билсам, у икки чакирим жойдан ўз хонадонига насос орқали қувурда сув олиб келган экан.

Дарҳақиқат, табиатдаги жамғарма мавжудот каби инсон ҳам фақат ва фақат мана шу сув туфайли тирик! Сувни худудини бир кўз олдинга келтириб қўриш-а? Бирор ниҳол ўсармикан, бирор олам яшай олармикан? Албатта йўқ. Сувни бежизга тириклик манбаи, оби-ҳаёт, табиатнинг бебаҳо неъматидеб алқашмайди.

Холмурод АЛЛОНАЗАРОВ Тошкент вилояти.

#### Қишлоқ тарихи ҳақида афсона



Қишлоқларё вилоят Китоб туманига қарашли Дошпёршайх қишлоғи ҳақида шундай ривоят мавжуд. Қадим ўтган замонда Дошпёр исмلى жуда катта шайх ўтган экан. Қишлоқнинг бирда у ўз муридларини билан Ҳазрати Башир қаламжосинини эиёрат қилиш учун сафарга отланибди. Бир ҳафта дегунча муқаддас эришотқа етиб келишди ва яна бир ҳафта давомида эиёрат билан машғул бўлидилар. Эиёратнинг еттиинчи кунини шайх қаттиқ бетоб бўлиб қолади. Шунда у ўз муридларига шундай васыят қилган экан:

“Менинг ажалим етган кўришди. Лекин сизлар сафарини тўхтатманг. Мабодо, вафот этсам, мени туя чўккан жойга дафн қилсанг, чунки туя жуда сертак ва фахмли. У қарга чўккини билди”. Муридлар шайхнинг ошб ортига қайтишди. Сафарнинг олтинчи кунини кечкурун шайх Дошпёр ўз омонатини тоширишга ва қарангки, туя ҳам эртаси кунини (еттиинчи кунини) чўкди. Васыятга қўра, муридлар шайхнинг шу ерга дафн этишди. Бу ер баҳою, гўзал макон экан. Шу ҳудуд кейинчалик Дошпёршайх деб атала бошланди.

Мухаммад ХУДОЙБЕРДИЕВА Қишлоқларё вилояти.

# ТҮРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

ДИЛ ИЗҲОРИ

## ЮРТ ЭҲТИРОМИ — УЛУҒ САОДАТ

Эл-юрт ҳурмат-этиборида бўлиш ҳар бир инсон учун улуг саодат. Бу саодатга чинакам истеъдоди, сермазун ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати билан эришганларни халқимиз ҳеч қачон назардан четга қолдирмайди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиги муносабати билан юртимиздаги турли соҳа ходимларининг бир гуруҳи Президентимизнинг Фармонида кўра юксак Давлат мукофотлари билан тақдирланган жамоатчиликни қувонтирдими. Мамлакатимиз Бош Қомуси қабул қилинган кун нишонлашни арафасида матбуот ва ОАВ соҳасида меҳнат қилаётган юрtdошларимиздан шундай юксак рағбатга мушарраф бўлганлардан айримларини Ўзбек Миллий академик драма театрида тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Биз мукофотланганлардан баъзиларидан ҳаяжонли дил сўзларини эшитиб олдик.

Ибратли ривоятларни эшитганда халқ донишмандлигига қойил қолмай илож йўқ. Уларда акс этган сабоқ, маъно-мазмун ҳеч қачон эскирмайди.

Менга ушбу ривоят жуда ёқди. Бир бойнинг икки нафар хизматкори бор экан. Бой улардан бирига кўпроқ, иккинчисига камроқ ҳақ тўларкан. Бир куни камроқ иш ҳақи оладиган хизматкор «Нега менга озо ҳақ тўлайсиз?» дея норози бўлибди. Шунда бой унга иш буюрибди.

— Ана бу тепаликнинг ортида бир карвон кетапти. Бориб қаёққа йўл олишганини билиб кел!

Хизматкор тезда қайтиб келиб хабар берибди:

— Карвон фалон жойга кетаётган экан.

— Туялари нечта экан?

— Ҳозир бориб билиб келаман.

Хизматкор яна тепалик ортига қайтиб, топшириқни бажарибди.

— Туялари йигирма саккизта экан.

— Нима олиб кетишаётган экан?

— Шунисини сўрабман, ҳозир билиб келаман.

Хизматкор учинчи бор овера бўлган, дебди:

— Ипак ва тери олиб кетишаётган экан.

Шунда бой иккинчи хизматкорига карвондан хабар олиб келишини буюрибди. У тезда қайтиб келиб, хўжайинига биратўла ҳамма маълумотни айтибди:

— Карвон Ироққа кетаётган экан. Йигирма саккизта туяларга ипак ва тери ортилган. Карвонни ўттиз нафар яхши куруллаган наварлар қўриқлаб кетишарди. Икки ҳафтадан кейин манзилга етишар экан.

Шунда бой биринчи хизматкорига қараб дебди:

— Ана энди тушунгандирсан нима учун сенга кам ҳақ тўлашганим?

— Тушундим, бой ота, тушундим, — дебди мулазим бўлган хизматкор.

Болалигимизда кўрган-кечирганларимиз хотирадан сира ўчмайди. Отабой бобом (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) яхши эслаб қолганман. У киши кишлоқнинг обрў-этиборли одамларидан эди. Маҳалладаги тўй-йигинлар, маросимлар унинг иштирокисиз, маслаҳатсиз ўтмасди. Шундай бир манзара кўз олдимдан кетмайди. Бир куни амакимининг уйда тўй бошлади. Эрталабдан катта хонадонга одамлар оқиб кела бошлади. Савобталаб хизматчиларнинг қўли-қўлига теғмайди, ҳамманинг ўзига яраша бир юмуши бор. Кимдир самовар қўйган, кимдир катта дошқозонга ўчоқ қазиган, кимдир қўй сўётган...

Жўрабойга тушди. Тўнка чайирроқ эканми, полвон қанчалик жад қилмасин ёрила қолмасди. Боёқши Жўрабой қора терга тушиб кетди. Болтани «ихлаб ҳар урганда тупроқ кўчиб, ер ларзага келарди. Шунда бобом секин ўрнидан турди, ҳассасини қўлига олиб, аста Жўрабойга яқинлашди.

— Тўхта, болам, — деди.

— Кучингни беҳуда сарфлабман. Сен болтани қаерга уришни билмайсан.

— Э-э, ҳамма жойига уриб кўрдим, ёрилмасанима қилай?! — деди Жўрабой пешонасидаги тери жаҳл билан артиб.

— Ҳамма ерига уришинг шарт эмас, керакли жойини топиб урсанг қифоя, Қаловини топиб керак.

— Бобом шундай дея ҳассасининг учи билан тўнканинг бир четига ишора қилди.

— Ана шу жойга уриб кўр-чи!

Жўрабой бор кучини жамлаб бобом кўрсатган қўлига тушган беморнинг қўлига вой! Нотўғри ташхис қўйиш ёки нотўғри даволаш оқибати баъзан фожиа билан туғатиш мумкин. Ҳаётда бунга мисоллар истаганча топилади.

Машҳур шахсларнинг ҳаётида ибратли жиҳатлар кўп. Мавридий келганда гоҳо уларни эслаб қўйсак эиён қилмайди.

«Агар сен нимадир қилаётган бўлсанг, яхшилаб бажар. Яхши бажариш қўлингдан келмаса ёки хохламансанг, яхшиши, у ишни йиғиштириб қўй» деган эди буюк рус ёзувчиси Лев Толстой. Дарвоқе, Толстой «Уруш ва тинчлик» деган тўрт китобдан иборат машҳур асарни кўлемасини саккиз марта қўлда кўчириб чиққан экан. Ёзувчи қандай ишга қўл урмасин, ҳаммаини қўйилмақом қилиб бажарган, деҳқонларга қўйилиб пичан ўрган, пойфазалини ўз қўли билан тиккан... ва бир умр ҳаёт-

нинг маъносини қидирган... Статистик маълумотларга кўра, ер юзюда руй берадиган авиакатастрофаларнинг асосий сабаби инсон омили билан боғлиқ экан. Бу дегани айрим учувчиларнинг касб малакаси талаб даражасида эмаслигини айтиш мумкин. Яқинда Россиянинг Саяно-Шушенск ГЭСида руй берган фалокат ҳам инсон омиллиги боғлиқ бўлса, ажаб эмас.

Агар хонанданинг санъати муҳлисларига ёқмаса, уни тингламай қўй қолиш мумкин, ошпазнинг овқати бе-маза туюлса, бошқа жойга бориб овқатланса бўлаверади. Аммо юқорида эслатганимиз — врачлик, учувчилик каби бевосита инсон ҳаёти билан боғлиқ касб-хунарларни пишиқ-пухта эгаллашмаслик жиноят билан баробар! Бу аниқ ҳақиқатни тан олишга мажбуримиз.

Ҳўш, муаммонинг илдизи қаерда? Жавоб бир қарашда жуда оддий — касбни тўғри танлаш ва уни мукаммал эгаллаш керак, тамомаласан! Аммо шунга «арзизимас» нарсалар амал қилиш ва эришиш осон эмас-да! Ҳамма гап шунда! Дард бор-у, дармон йўқ...

Бир куни Фафур Фулом номлидаги нашриятда бир шоирнинг илк романи кўлемаси муҳокама қилинган эди. Биз андишли халқимиз, тўғри гапни данга айтаявермаймиз. Муҳокамада сўзга чиқувчиларнинг мулоҳазалари бир хил оҳанг-маромда давом этар, фалончи акамиз ўзи яхши-шайро шир эди, кўп яхши шайролар бор эди, аммо бу романи... дея асарининг камчиликлари тортинибгина

қўлига тушган беморнинг қўлига вой! Нотўғри ташхис қўйиш ёки нотўғри даволаш оқибати баъзан фожиа билан туғатиш мумкин. Ҳаётда бунга мисоллар истаганча топилади.

Машҳур шахсларнинг ҳаётида ибратли жиҳатлар кўп. Мавридий келганда гоҳо уларни эслаб қўйсак эиён қилмайди.

«Агар сен нимадир қилаётган бўлсанг, яхшилаб бажар. Яхши бажариш қўлингдан келмаса ёки хохламансанг, яхшиши, у ишни йиғиштириб қўй» деган эди буюк рус ёзувчиси Лев Толстой. Дарвоқе, Толстой «Уруш ва тинчлик» деган тўрт китобдан иборат машҳур асарни кўлемасини саккиз марта қўлда кўчириб чиққан экан. Ёзувчи қандай ишга қўл урмасин, ҳаммаини қўйилмақом қилиб бажарган, деҳқонларга қўйилиб пичан ўрган, пойфазалини ўз қўли билан тиккан... ва бир умр ҳаёт-

қада қолади. Ҳамма нарса айланиб келиб яна меҳнатга, сазай-ҳаракатга тақабалтир. Шоир айтганидек, «Мақсадга қасд қилиб юргурган етур».

Атоқли ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг бир ибратли гапи бор: «Агар менчалик машқ қилганда маймун ҳам ёзувчи бўлиб кетарди». Адиб ёзувчилик меҳнатининг машаққатини таъкидлаш баробарида чинакам маҳоратга тинимсиз меҳнат орқалигина эришиш мумкинлигига ишора қилапти. Юксак масъулият, ўзига ўта талабчанлик фазилати А.Қаҳҳор асарларининг умрбоқийлигини таъминлаган омиллардан эди. Адабиётда ундан ўрганган, таълим олган шоирлардан кўп. Устоз сабоқларидан жуда кўплаб ёш қаламкашлар баҳраманд бўлишган.

Болани кичик ёшидан

Воҳид ЛУҚМОНОВ, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг маҳаллий ахборот тахририяти бош муҳаррири, «Меҳнат шўхрати» ордени соҳиби:

— Бугун мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Юртбошимиз томонидан матбуотга, умуман ОАВларига, журналистларга юксак ишонч билдирилаётгани боис, юртимизда айна пайтда 1100 дан ортиқ оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатмоқда. Уларда кўплаб журналистлар фаолият олиб боришади. Уларнинг амалга ошираётган иши таҳсинга сазовор. Бу йил мукофотланганлар сафида менинг ҳам борлигим қалбимга чексиз қувонч бағишлади. Шундай ҳаяжонли лаҳзаларда камтарона ижодимга берилган ушбу юксак эътибор касбимга янада масъулиятроқ бўлишга ундайди. Келажакда амалга оширишим лозим бўлган эзгу ишларга куч бағишлайди.




Зулфия ЮНУСОВА, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик «Ватан парвар» газетаси муҳбири, «Шўхрат» медали соҳибаси:

— Ҳарбий журналистика соҳасида ишлаётганимга 10 йилдан ошди. Фаолиятим давоминда сарҳадларимиз дахлсизлиги, мустақиллигимиз бардавомлигини кеч-ю, кундуз ҳушёрлик билан кўриқлаётган аскарларимизнинг фидокорона меҳнатларини ёритишга ҳаракат қилмоқдаман.

Мақолалар ёзиш асосида ҳарбий оилалар, уларга яратилаётган шарт-шароитлар, берилаётган имкониятлар билан танишаман. Айниқса, мустақиллик даврида бу соҳага катта эътибор қаратилаётганининг гувоҳиман. Менга берилган мукофот Олий боз қўмондонимиз — Президентимизнинг тахририятимизга билдирган ишончи, эътибори деб биламан. Бу мени янада кўпроқ ижод чўққиларини забт этишга ундайди. Токи қўлим қалам ушлашга қодир экан, ҳарбийлар ҳаётини, уларнинг заҳматли хизматини республикамиз матбуот нашрларида ёритишга ҳаракат қиламан.

Мамуржон ҚИЁМОВ, «Жамият» ижтимоий-сиёсий газетаси бўлим муҳбири, «Шўхрат» медали соҳибаси:

— Журналистларни жамиятнинг шифокори дейишади. У фуқароларнинг қувончу дардида шерик бўлиши, жамият ҳаёти бор бўй-басти билан унинг нигоҳида акс этиши лозим. Шу маънода фуқароларнинг













































маънавият ва маърифатга бўлган эҳтиёжини қондириш, азиз ва мўътабар Ватанимизнинг миллий истиқлолини мустаҳкамлаш учун хизмат қилиш биз — журналистларнинг маънавий бурчимиздир.

Бугун юртимизда матбуот ходимларига катта эътибор берилапти. 1991 йил Президентимиз мамлакатимизни мустақил деб эълон қилганда мен эндигина бу соҳада иш бошлагандим. Мустақиллик имкониятларидан баҳраманд бўлиб, кадр топдим. Утган қарийб 18 йил давомида матбуот нашрларида халқимизнинг дарду қувончлари акс этган кўплаб мақолаларим эълон қилинди, «Нурфалон ўлкам», «Мангу меҳр» номли публицистик китобларим чоп этилди. Бунини, албатта, мустақиллик бахшида этган саодат деб биламан. Шундай кутлуг — Бош Қомусимиз қабул қилинган кун арафасида олий мукофот билан тақдирланишим келгуси ижодий ишларимда кучимга куч қўшади.

Латофат БОБОҚУЛОВА, «Овози тожик» газетасининг ҳарф терувчи оператори, «Шўхрат» медали соҳибаси:

— Мукофотни қабул қилиб олаётганимда, шу кунгача бўлган иш фаолиятим кўз ўнгимдан ўтди. Юртбошимизнинг жамиятдаги барча соҳаларнинг оддий вакиллари билан меҳнатини муносиб рағбатлантириши қалбимга чексиз қувонч бағишлади. Бу йил ҳаётимда гоят унутилмас йил бўлди, десама адашмайман. Чунки матбуот соҳасида матн терувчи бўлиб ишласам-да, давлат мукофотига лойиқ топилганман, нафақат мени, балки ижодий жамоамизнинг ҳам руҳлантириш юборди. Бу мукофот мени рағбатлантириш билан бирга зиммамдаги масъулиятни янада оширди. Олдимга қўйилган вазифаларни масъулият билан бажаришга ундайди. Камтарона меҳнатини қадрлаб, юксак ишонч билдирилгани учун муҳтарам Юртбошимизга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

И.СУЛТОНОВ эзиб олди.



## ҲАММАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

“Мутлақо уқувсиз, қобилиятсиз одам бўлмайдими. Ота-оналар, муаллимлар боланинг касб-хунар танлашида асосий маслаҳатчи бўлмоғи лозим.”

жойга болта билан бир туширган эди, тўнка иккига бўлиниб кетди.

— Энди мана бу жойига ур!

Тўнка тўртга бўлинди. Шу тарихи Жўрабой хаш-паш дегунча чайир тўнкани ёриб ташлади. Оқшом оила даврасида ўтган тўғри муҳокама қилиб ўтирганганимизда тўнка воқеасидан таъсирланганимни гапириб бердим.

— Бобонг ишининг кўзини билди-да! — деди отам бобом билан фадриганим.

— «Ишининг ўзини билгунча кўзини бил», — ўзи устасидан кўрқар, «Ишининг пухта бўл» деган пурҳикат мақола бекорга айтилмаган, ўлим. Ҳозирдан уларнинг мағзини қақ, амал қил!»

Орадан йиллар ўтиб, ҳаётий тажрибам ортган англадимки, ишининг кўзини биладиган, ўз ишини пишиқ-пухта қиладиган, ўз касбининг устаси бўлган одамларга эҳтиёж катта бўлар, улар хамиша ардоқлар экан. Дарҳақиқат, касал бўлиб қолса яхши дўхтир қидирамиз, уйимизни таъмирлатмоқчи бўлсак ҳам яхши устани суриштирамиз, ўқишга кирмоқчи бўлган фарзандимизга билмидонроқ репетитор ёллаймиз. Яхши, адолатли раҳбар ҳам аввало қўлидан иш келадиган одамни қидиради, янги ходимни синов муддати билан ишга олади. Аниқ ҳаёт тажрибаси шунга мажбур қилади. Ўз ишини, ўз касбини яхши билмайдиган одамни халқ олдидинга қилиб «ношўх» дейди, бундай тоифа фақат ўзини эмас, атрофдагиларни ҳам қийнайди. Маёбодо врач ёмон бўлса, унинг

қўлига тушган беморнинг қўлига вой! Нотўғри ташхис қўйиш ёки нотўғри даволаш оқибати баъзан фожиа билан туғатиш мумкин. Ҳаётда бунга мисоллар истаганча топилади.

Машҳур шахсларнинг ҳаётида ибратли жиҳатлар кўп. Мавридий келганда гоҳо уларни эслаб қўйсак эиён қилмайди.

«Агар сен нимадир қилаётган бўлсанг, яхшилаб бажар. Яхши бажариш қўлингдан келмаса ёки хохламансанг, яхшиши, у ишни йиғиштириб қўй» деган эди буюк рус ёзувчиси Лев Толстой. Дарвоқе, Толстой «Уруш ва тинчлик» деган тўрт китобдан иборат машҳур асарни кўлемасини саккиз марта қўлда кўчириб чиққан экан. Ёзувчи қандай ишга қўл урмасин, ҳаммаини қўйилмақом қилиб бажарган, деҳқонларга қўйилиб пичан ўрган, пойфазалини ўз қўли билан тиккан... ва бир умр ҳаёт-

нинг маъносини қидирган... Статистик маълумотларга кўра, ер юзюда руй берадиган авиакатастрофаларнинг асосий сабаби инсон омили билан боғлиқ экан. Бу дегани айрим учувчиларнинг касб малакаси талаб даражасида эмаслигини айтиш мумкин. Яқинда Россиянинг Саяно-Шушенск ГЭСида руй берган фалокат ҳам инсон омиллиги боғлиқ бўлса, ажаб эмас.

Агар хонанданинг санъати муҳлисларига ёқмаса, уни тингламай қўй қолиш мумкин, ошпазнинг овқати бе-маза туюлса, бошқа жойга бориб овқатланса бўлаверади. Аммо юқорида эслатганимиз — врачлик, учувчилик каби бевосита инсон ҳаёти билан боғлиқ касб-хунарларни пишиқ-пухта эгаллашмаслик жиноят билан баробар! Бу аниқ ҳақиқатни тан олишга мажбуримиз.

Ҳўш, муаммонинг илдизи қаерда? Жавоб бир қарашда жуда оддий — касбни тўғри танлаш ва уни мукаммал эгаллаш керак, тамомаласан! Аммо шунга «арзизимас» нарсалар амал қилиш ва эришиш осон эмас-да! Ҳамма гап шунда! Дард бор-у, дармон йўқ...

Бир куни Фафур Фулом номлидаги нашриятда бир шоирнинг илк романи кўлемаси муҳокама қилинган эди. Биз андишли халқимиз, тўғри гапни данга айтаявермаймиз. Муҳокамада сўзга чиқувчиларнинг мулоҳазалари бир хил оҳанг-маромда давом этар, фалончи акамиз ўзи яхши-шайро шир эди, кўп яхши шайролар бор эди, аммо бу романи... дея асарининг камчиликлари тортинибгина

қобилияти ва қизиқишига кўра касб танлаши кўп гапирилади. Афсуски, ҳаётда бунга ҳамма вақт ҳам амал қилинавермайди. Мутлақо уқувсиз, қобилиятсиз одам бўлмайди. Ота-оналар, муаллимлар боланинг касб-хунар танлашида асосий маслаҳатчи бўлмоғи лозим. Аммо ҳаётда баъзан бунинг тексириси ҳам учраб туради. «Ким бўлмоқчисан?» деб сўрасангиз «Отам муҳандис бўлишимни, онам врач бўлишимни истаяпти, ўзим юрист бўлмоқчиман» дея жавоб қиладиган ўсмирлар ҳам бор. Аросатда қолган болакайнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши осон кечмайди.

Шу ўринда яна бир оддий ҳақиқатни унутмаслик керак. Агар инсон қобилияти ва қизиқишига кўра касб танласа, касбини мукаммал эгалласа, келажакда у ўз меҳнатидан завқ-шавқ олиб ишлайди, юксак натижаларга эришади, ишининг оғирлиги ҳам билинмайди, танлаган касби-кори ҳаётининг маъмунига айланади, одамларга, жамиятга ҳам фойда-сиз қўпроқ тегади.

Касбини тўғри танлаш билан ҳамма муаммо бирдан ҳал бўлиб қолмайди, албатта. Ўқиш, урганиш, маҳоратни ошириш бир умр давом этадиган, узлуксиз жараён. Биз ахборот асрида яшаёмиз. «Ким ахборотга эга бўлса, уша дунёни бошқаради» деган гап бежиз айтилмаган. Ҳар бир соҳага доир ахборотлар, янгиликлар лаҳза сайин кўпайиб бормоқда, уларнинг энг муҳимларидан хабардор бўлиб бориш ҳам осон эмас. Аммо шунга интиланган одам замона талабидан ор-

бошлаб касбини тўғри танлашга, ишининг кўзини биллишга ўргатиш мумкинми? Албатта мумкин. Бунинг учун аввало ота-онанинг ўзи ибрат бўлиши, меҳнатдан, чиройли бажарилган ишдан завқ олишга ўргатиши лозим. Қўш уюсда кўрганни қилади. Бола тақлидчанд бўлади. Кўп нарсани катталардан ўрганади. Агар ота-онанинг ўзи ишига пухта бўлмаса, пала-партиш, кўл учиди иш бажарса, ўз касбини севмаса, ишга ҳудди бўлиндан болганандек мажбуран бориб келса, бу ҳолат боланинг онгу шурида ёмон асорат қолдиради.

Пала-партиш, сифатсиз баҳарилган ишлар қўлчила масъулиятсизлик (қўлидан анча-мунча иш келадиган айрим одамларга ҳам хос нуқсон) яқовлик ва ҳафсаласизликка бориб тақалади. Москвадаги «Инсон саломатлигини тиклаш» институтининг асосчиси, ватандошимиз, академик Мирзакарим Норбековнинг уқтиришича, инсон табиатидаги жуда

# ДУНЁДА НИМА ГАП?

## ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

(Бошланғичи 1-бета.)

Бу эса йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш янада такомиллаштириш, ходимлар малакасини узлуксиз ошириш, хизмат тизимини замонавий асбоб ва техника билан жиҳозлашни тақозо этади.

Жорий йилнинг ўтган ўн бир ойи якуни бўйича амалда охирилган ишларнинг тахлили мамлакатимиз йўлларида йўл-транспорт ҳодисаларининг олддини олиш, содир бўладиган турли нохуш ҳолатларни камайтириш борасидаги тадбирлар ўз самараларини бераётганини кўрсатади. Шунга қарамай, йўлларда оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисалари ҳамон содир бўлаётди.

Олиб борилаётган тадбирлар натижасида шу йилнинг ўн бир ойи давомида содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг 2008 йилнинг шу даврига нисбатан бирмунча камайишига эришилди. Аммо йўл-транспорт ҳодисаларининг сони юқориликка қолдириш жиддий ташвиш уйғотмоқда. Афсуски, бундай ҳодисалар оқибатида 2 минг 15 нафар фуқаро ҳаётдан бевақт кўз юмди ва 10 минг 484 киши турли даражадаги тан жароҳати олди.

Тахлиллар бундай ҳодисаларнинг олддини олиш ва камайтириш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 декабрдаги фармойишига мувофиқ, жорий йилнинг 10 декабрдан 2010 йилнинг 1 январигача давом этадиган ҳаракат хавфсизлиги ойлгини ўтказишдан мақсад ҳам айнан йўл-транспорт ҳодисаларининг олддини олиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш самардорлигини оширишга қаратилган. Шу боис мажбурий ойлук давомида комплекс чора-тадбирлар ўтказилди. Хусусан, транспорт ва пиёдалар, жумладан, болалар ҳаракати серқатнов бўлган

йўллар ва жойлар яна бир бор кўриб чиқилди, аниқланган камчиликларни бартавраф этиш чора-тадбирлари кўрилади.

Ҳукуматимиз фармойишида таъкидланганидек, тадбир давомида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ойлгини ташкил этиш ва ўтказиш комиссиялари фаолият кўрсатади. Барча вилоятларда ойлгини сама-



рали ўтказиш тадбирлари ишлаб чиқилди. Уларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга дахлдор идораларнинг вазифалари белгиланди. Йўл ҳаракати қоидалари бўйича амалий машғулотлар ўтказиладиган «Болалар автошаҳарчалари» барпо этилмоқда.

Тадбир доирасида мактаблар ва болалар боғчаларида йўл ҳаракати қоидаларини янада пухтароқ ўргатишга катта эътибор берилаётгани бежиз эмас. Зотан, нохуш йўл-транспорт ҳодисаларининг муайян қисми болалар иштирокида рўй бераётгани ташвишланарлидир. 2009 йилда содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг тахлили шуни кўрсатмоқдаки, 1717 йўл-транспорт ҳодисаси айнан болалар билан боғлиқ ҳолда юз берган. Бу ҳодисаларда 261 норасида ҳаётдан бевақт кўз юмди ва 1541 бола турли даражада тан жароҳати олди.

Бу болалар орасида тушунтириш ишларини янада

яхшилаш кераклигини тақозо этади. Чунки йўл ҳаракати қоидаларини барча яхши билиши ва унга тўла амал қилиши зарур. Шунинг учун давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари нафақат кўчаларда транспорт воситалари ва пиёдаларнинг хавфсизлик қоидаларига риоя этишини назорат қилмоқда, балки ўқув муассасаларида, мактабга чадирли муассасаларида, маҳалла ҳамда жамоат

ликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Салоннинг олди қисмига ўрнатилган теле ва видеомонитордан транспорт воситасини бошқариш пайтида фойдаланиш, шунингдек, транспорт воситаси салонининг олди қисмига ўзбошимчилик билан бундай воситаларни ўрнатиш тақиқланди.

Бундай чора-тадбирлар йўл-транспорт ҳодисаларининг олддини олишда муҳим аҳамият касб этаётди. Афсуски, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига бепасанд муносабатда бўлаётган ҳайдовчилар ҳам йўқ эмас.


Ҳайдовчилар айби билан содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисалари тахлили, аввало, ҳайдовчиларнинг белгиланган тезликка риоя этмаслиги, йўлчилик қоидаларига нисбатан эътиборсизлиги, маст ҳолда транспорт бошқариш ва бошқа қоидабузарликлар туфайли юз бераётганини кўрсатмоқда. Бу эса жойларда ўтказиладиган тадбирлар изчил амалга оширилмаётгани, маҳаллий ҳокимлик, идора ва ташкилотлар, хўжаликлар раҳбарларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда қўл кўрмаслиги, маҳалла масъулият билан ёндашмаётганини оқибатида.

Вазирлик ва идоралар томонидан назоратнинг бўшаштириб юборилгани, йўл-транспорт ҳодисаларининг олддини олишга қаратилган тадбирларнинг етарли даражада ўтказилмаётгани, транспорт воситаларининг техник ҳолатига эътиборсизлик оқибатида ҳайдовчилар айби билан содир этилаётган бахтсиз ҳодисалар ортаётгани кузатишмоқда.

Йўлларда инсон ҳаёти, хавфсизлигини асраш — бизнинг бош мақсадимиз. Бу хайрли ишда биз бутун жамоатчиликка таяниш керак. Мамлакатимизда бошланган ҳаракат хавфсизлиги ойлгини шу эзгу мақсадга хизмат қилади.

**ЎЗА МУХБИРИ БЕҲЗОД НОРБОВ ЭЗИБ ОЛДИ.**

### Жамоат жойида ичма




Белорусь парламенти жамоат жойларида пиво ичишни тақиқловчи қонун қабул қилди. Ушбу қонунга биноан кўчалар, стадион, хиёбон ва боғларда, жамоат транспорти ва бошқа оммавий жойларда пиво ҳамда алкоголь ичимликлар ичган шахслар мажбурий жавобгарлик тортिलाди.

Бундан ташқари ушбу қонунга биноан спиртли ичимлик ичган ҳолда автомобилни бошқарган ҳайдовчиларга нисбатан жиддий чоралар кўрилади. Шунингдек, самогон тайёрлаш ва уни сотиш ҳам тақиқланди. Ушбу қонун мамлакат президенти имзо чеккандан сўнг кучга киради.

### Гаровдагилар озодликда

Яқинда «Интерфакс» тарқатган хабарга қараганда, сомалилик қароқчилар «Ариана» кемаси ва унинг 24 нафар украинalik экипаж аъзоларини озод қилган. Украина президенти Виктор Юшенконинг таъкидлашича, кема яқин атрофдаги портга етиб келгач, денгизчилар самолётда ўз юртиларига қайтади.



Хабарда қароқчилар билан музокаралар жуда қийин кечгани айтилган. Шунга қарамай гаровдагиларни озод қилишга эришилган. Одессада чиқадиган «Ревизор» нашрининг эизишча, қароқчилар гаров пули берилган. Бу пулнинг катта қисмини маҳаллий ишбилармонлардан бири ҳадя қилган.

«Ариана» жорий йилнинг 2 май куни Аден кўрғазига қароқчилар томонидан гаровга олинган эди.

### Суд жараёни бошланди

Душанба куни Аргентина ҳарбий денгиз флотининг собиқ капитани, «Малла сочли ўлим фариштаси» номи билан машҳур бўлган Альфредо Астис устидан суд жараёни бошланди. Астис ва 18 нафар ҳарбий аскар икки нафар франциялик роҳибани ўлдиришда айбланмоқда. Роҳибалар 1977 йилнинг декабрида дом-дараксиз йўқолган эди.

Тергов материалларида айтилишича, роҳибалар Буэнос-Айресдаги Денгиз техника мактаби биносида ўлдирилган.

Роҳибаларнинг йўқолиши далили бўйича Астис Франция суди томонидан 1990 йили сирдан умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган эди. Шунингдек, Швеция ва Италия суди ҳам «Малла сочли ўлим фариштаси»ни сирдан умрбод қамоқ жазосига ҳукм этган.

Альфредо 2001 йилда ўз хоҳиши билан Аргентина ҳуқуқ-тартибот органларига таслим бўлганди.

### ЕИ маблағ ажратмоқчи

Европа Иттифоқи глобал иссиқдан зарар кўраётган ривожланаётган мамлакатларга ёрдам учун махсус фонд ташкил этишга қарор қилди. Кейинги уч йилда бу иш учун 7,2 миллиард евро сарфланади.

France-Presse хабарига айтилишича, бу ҳақда Брюсселда бўлиб ўтган ЕИ саммитида қилинган. Маблагнинг асосий қисмини Франция, Буюк Британия ва Германия ажратади. Ушбу қарорни Копенгагенда табиатнинг ўзгариши бўйича ўтаётган халқаро конференция қатнашчилари қувонч билан кутиб олишди.

Хабарда айтилишича, ажратилган маблағ биринчи навбатда Африкадаги камбағал мамлакатларда қуёш батареялари қуриш ва табиатга зарарли чиқиндилар чиқаришининг олддини олишга сарфланади.

### Йўлбарслар ҳужуми

Гамбургдаги Hagenbeck ҳайвонот боғида қутилмаган воқеа содир бўлди. Навбатдаги намойиш пайтида учта йўлбарс ҳайвон ўргатувчига ҳужум қилди. Натижада 28 ёшли ҳайвон ўргатувчи Кристиан Валлизер оғир тан жароҳати олди. Йўлбарслар унинг чап кўлининг бир қисмини тишлаб узиб олди. Енгин ўчириш асбобидан йўлбарсларга кўпик сепилгач, улар қочишга мажбур бўлди. Томошабинлар орасида иккита врач бор экан, улар тез ёрдам келгунча ҳайвон ўргатувчига биринчи ёрдам кўрсатишди.



Ҳайвонот боғи директори Стефан Пагелс ҳайвон ўргатувчи тезда тузалиб қичиб ишни давом эттиришига умид билдирди. Унинг таъкидлашича, ҳайвонларни жазолаш ҳеч қандай ижобий натижа бермайди.

### Еврохудуддан чиқадими?

Греция ва Ирландия иқтисодий қийинчиликлар туфайли келгуси йилдан бошлаб еврохудуддан чиқиши мумкин. Жанубий Африкадаги энг йирик Standard Bank банки мутахассислари шундай хулосага келишган. Банкнинг валюта стратегияси бўйича директори Стив Барроуннинг фикрича, икки мамлакат ҳозирги иқтисодий бўҳрондан чиқа олмайди.

Bloombergнинг хабарига қараганда, келгуси йили Грециянинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотдан 100 фоиз кўп бўлиши кутилмаяпти. ЕИга раислик қилаётган Швеция молия вазирининг таъкидлашича, Грецияга ёрдам бериш масаласи кун тартибидан йўқ.



### Арзон баҳода газ олади

Белорусь 2010 йилда ҳам Россия газини арзонлаштирилган нархда сотиб олади. Икки мамлакат раҳбарлари учрашувидан шундай қарорга келинди. РИА «Новости» хабарига айтилишича, собиқ шўро республикалари ичида фақат Беларусинга арзон баҳода газ сотиб олмақда. 2008 йилда Кремль газ нархини Минск учун ҳам аста-секин кўтариб боришни режалаштирганди. Ушбу режага мувофиқ Беларусь 2008 йилда 33 фоиз, 2009 йилда 20 фоиз ва 2010 йилда 10 фоиз арзон газ олиши лозим эди. Аммо иқтисодий инқироз туфайли расмий Москва иттифоқисига 2010 йилда ҳам 20 фоиз арзон газ беришга қарор қилди.



### Муваффақиятсиз якунланди

АҚШнинг ТНААД ракетага қарши комплекси синови муваффақиятсиз якунланди. Гавайидаги Кауаи оролида бўлиб ўтган синови пайтида ТНААД комплексидан учган ракета АҚШ ҳарбий ҳаво кучларига қаршилик С-17 ҳарбий транспорт самолёти бортидан учган ракетани портлатиши керак эди. Аммо ракета комплексининг мотори бирдан ишламай қолди ва ракета отилмади. Моторнинг ишламай қолиши сабаби ўрганилмоқда.



«Ведомости» газетасининг эизишча, Россия 1000 кубометр газни Беларусга 166 долларга, Украинага эса 280 долларга сотмоқда.

### ХВФдан ёрдам сўради

Украина Халқаро валюта фондидан шошилинч равишда икки миллиард доллар кредит сўради. Бу ҳақда мамлакат бош вазирининг Григорий Немиря The Financial Times газета-

### ДАРАКЛАР

сига берган интервьюсида таъкидлаган. Унинг айтишича, ушбу маблағ мамлакатнинг ташқи қарзини тўлаш учун керак.

ХВФ Украинага 16,5 миллиард доллар кредит ажратган. Шу пайтга қадар бу кредитнинг 10,6 миллиард доллари оқиб бўлинди. Ўзaro келишувга биноан расмий Киевга жорий йилнинг ноябрь ойида яна 3,5 миллиард доллар берилиши керак эди. Аммо ХВФ бу маблағни мамлакатдаги президент сайловидан кейин бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Украина ХВФдан ташқари Европа Иттифоқи ва Россиядан ҳам қарз сўраган. ЕИ маблағ йўқлиги учун ёрдам беришдан бош тортиди. Россия ҳам гарбдаги қўшнисига ёрдам берадими йўқми, номаълум.

### 70 доллардан ҳам арзон

Нью-Йоркдаги NYMEX товар биржасидаги сўнгги савдоларда WTI маркали бир баррель нефть 69,87 доллардан сотилди. Бу аввалги савдодаги нархдан 67 цент камдир. Мутахассисларнинг айтишича, АҚШ биржаларида 2009 йилнинг октябрь ойидан буён биринчи марта нефть нархи 70 доллардан пастга тушди.



Лондондаги савдоларда эса қора олтин баҳоси бор-йўғи 2 центга арзонлашди ва бир баррель нефть нархи 71,88 долларни ташкил этди. Иқтисодчилар нефть баҳосининг пасайишини Америкада бензинга талабнинг камайиши ва Саудия Арабистонининг нефть қазиб олишни кўпайтириш тўғрисидаги қарорига боғлашмоқда.

### «Орзу» лайнерининг парвози

Куни кеча Boeing B-787 Dreamliner («Орзу» лайнери) самолёти биринчи парвозни амалга оширди. Сал аввалроқ бу иш 22 декабрда мўлжалланган эди. Кейин эса бир ҳафта олдинга сурилди. Таъкидлаш жоизки, самолётни ишлаб чиқариш тахминан икки йилга кечикмоқда. Биринчи самолёт ўтган йилнинг май ойида All Nippon Airways авиакомпаниясига етказиб берилиши керак эди. Аммо самолёт тайёр бўлгач фузеляжидида камчиликлар топилди.



Dreamliner 1995 йилгача ишлаб чиқарилган самолётлардан тубдан фарқ қилади. У 210 нафардан 330 нафаргача йўловчини 14,2 минг километрга етказиб қўя олади. Енигини иқтисод қилиш бўйича дунёда унга тенг келадиган самолёт йўқ. Унинг баҳоси 150 миллиондан 205,5 миллион долларгачаи ташкил этади. Самолётга аллақачон 56 авиакомпания буюртма берган.

### Муваффақиятсиз якунланди

АҚШнинг ТНААД ракетага қарши комплекси синови муваффақиятсиз якунланди. Гавайидаги Кауаи оролида бўлиб ўтган синови пайтида ТНААД комплексидан учган ракета АҚШ ҳарбий ҳаво кучларига қаршилик С-17 ҳарбий транспорт самолёти бортидан учган ракетани портлатиши керак эди. Аммо ракета комплексининг мотори бирдан ишламай қолди ва ракета отилмади. Моторнинг ишламай қолиши сабаби ўрганилмоқда.



ТНААД комплекси таркибига радиолакацион станция, отишни бошқариш тизими, отиш тизими ва тутувчи ракеталар киради.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.



**TURON BANK**

ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРAT  
**«ТУРОН» БАНК**

ЮРТИМИЗ АҲЛИНИ КИРИБ КЕЛАЁТГАН  
**ЯНГИ 2010 ЙИЛ БИЛАН**

**МУБОРАКБОД ЭТАДИ.**

БАЙРАМ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮҚОРИ ФОИЗ ОЛИШНИ ИСТАГАН  
КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИГА

вақтинча бўш турган маблағларини «Турон» банкнинг юқори ликвидли активлари билан кафолатланган депозит сертификатларига жойлаштириш имконини яратади.

Бу орқали Сиз ўз маблағларингизни юқори фоизли даромад манбаига айлантиришингиз ҳамда ушбу қимматли қоғозлардан қўшимча молиявий инструмент сифатида самарали фойдаланишингиз мумкин.

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН депозит сертификатлари қуйидаги шартлар асосида тақлиф этилади:

Муддати	Номинал	Фоиз ставкаси %да (йиллик)
8 ойга	50 000 000	13
	100 000 000	
13 ойга	50 000 000	14
	100 000 000	
36 ойга	100 000 000	15

Қўшимча маълумотларни  
(+998 71) 244-12-74, 244-25-81 телефонлари  
ёки [www.turonbank.uz](http://www.turonbank.uz) сайти орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

ТИББИЁТ

ТАЪЛИМ

## Оила бахти тўқис бўлсин

### бу аввало ҳар бир ота-онага боғлиқ

**Б**ухоро вилоят болалар руҳий касалликлари шифонасига кириб борарканми, у ердаги орталикни, саранжом-саришталикни, хоналардаги турли хил гулларни кўриб, баҳри дилини очилса, фарзандларидаги нуқсонлардан хомуш торган ота-оналарга дуч келганда бизнинг ҳам беихтиёр дилимиз оғриди. Бундан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Илхомжон Нарзиёв ҳам илғади шекилли, бизни бироз "чалғитишга" уриниб:

— Мавлуда опа шу киши бўлади, — деди у бош шифокор билан таништираркан. — Опа 10 йилдан бундан бу шифонада фаолият юритади. Тиббиёт фанлари номзоди. Айни пайтда докторлик диссертациясини ҳимоялаш арафасида.

— Роса мақтадигиз-да, Илхом ака, — дейди Мавлуда опа бу эътирофлардан бироз хижолат бўлиб.

Мавлуда Ортиқова 1984 йилда Тошкент тиббиёт институтининг даволаш факультетини тугатиб, иш фаолиятини Бухоро шаҳар

марказий касалхонасида ҳамшираликдан бошлаган. Устозларидан олган сабоқлари фаолияти давомида унга дастуриламал бўлиб келмоқда. Опа аспирантурани тугатгач, Бухоро тиббиёт институтининг неврология кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб иш бошлади. Бундан роппа-роса ўн йил муқаддам эса у Бухоро шаҳар ҳокимлиги ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мутасаддилари тавсиясига кўра мазкур даволаш муассасасига раҳбар этиб тайинланди.

— Мен ишга келганимда биналар таъмирталаб эди. Киш келди дегунча хоналарга чакка ўтмасин, дея юрагимни ҳовучлаб юрардим. Вилоят ва шаҳар ҳокимликларининг, қолаверса, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг ёрдамида муаммоларнинг барчаси ҳал этилди.

Давлатимиз раҳбарининг гамхўрлигига бинаоан соғлиқни сақлаш тизимига алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ислоҳ қилишга оид давлат Дастури қабул қилинганидан сўнг шифонамизнинг ҳам моддий-техника

базаси мустаҳкамланди. Муассасамиз замонавий компьютер технологиялари билан жиҳозланди. Бу шифонамизда даволанадиган руҳий носоглом болаларга ҳам кўрсатилган улкан гамхўрлик бўлди.

— Шифона фаолияти хусусида кенгрок маълумот берсангиз?

— Шифо маскани 70 ўринли бўлиб, улардан 60 таси болаларга мўлжалланган, 10 таси эса терапевтик ўринлардир. Касалхонада 16 ёшгача бўлган ногирон болалар церебрал фалажлиги, менингоэнцефалитларнинг асоратлари, бош ва орқа миёя жараҳатидан сўнг қолган асоратлар, наслий тугма касалликлар, миопатиялар, хромосома касалликлари ва эниофалопатиялар билан хасталанган болалар этиб даволанишади. Усмиларнинг кўпчилиги ижтимоий ҳаётга имкон қадар мослашадилар. Шифона тўлиқ давлат бюджетидан молиялаштирилган бўлиб, беморларнинг даволаниши учун барча қўлайликлар муҳайё этилган.

Шунингдек, касалхонада физиотерапия муоалажалари соғломлаштириш-

да кенг қўлланилади. Айни пайтда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан жиҳозланди. Бу шифонамизда даволанадиган руҳий носоглом болаларга ҳам кўрсатилган улкан гамхўрлик бўлди.

— Рухий касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг олдини олиш борасидаги фикрингизни ҳам билмоқчи эдик?

— Болаларда руҳий касалликларнинг юзга келишига асосий сабаблардан бири қариндошларнинг ўзаро кўра қўлланганидир. Аччиқ бўлса ҳам бир ҳақиқатни айтиб ўтиш керак: одамзотга нимаики тақриланган бўлса, у шунга баҳришга интилади. Натигада эса унинг азобини авлодлари тортишга мажбур. Нуқсонли туғилаётган фарзандлар яқиндагина турмуш қурган ёш оиланинг парокандалигига сабаб бўлиб, оилавий низолаб, ажрашувчи юзга келмоқда. Афсуски, нуқсон билан туғилган болалар бир умр ўзларини тенгқурларидан камдек ҳис қилиб яшашга

мажбур. Бунинг олдини, аввало, ота-оналар олиши, мақсадга мувофиқ бўларди.

Бундан ташқари, аёлларнинг ҳомиладорлик даврида ҳар хил касалликларга чалиниши, фарзанд кўриш муддатларига риоя қилмаслик, катта ёшда ҳомиладор бўлиш, камқонлик, бўқоқ касалликларига чалиниши, гинекологик касалликларга дучор бўлсалар-да ҳомиладор бўлиш, эркакларнинг гиёҳванд моддалар ҳамда спиртли ичимликлар истеъмол қилган пайтда жинсий алоқада бўлиши, туғиш жараёнида нотўғри олиб боришга мурожаатлар, боланинг бир ёшгача даврида ҳар хил инфекцияларнинг бош миёя таъсиридан келиб чиқадиган асоратлар ҳам ёш болаларнинг нуқсонли бўлиб қолишига сабаб бўлади.

Тўғри, давлатимиз томонидан ижтимоий кўмакка муҳтож ҳар бир инсон, ҳатто норасида гўдакка ҳам катта гамхўрликлар қўрсатишмоқда. Аввало, туғилма қасб болаларнинг ҳар жиҳатдан мукамал ёки нуқсонли бўлиб туғилиши, вояга етишида, авваламбор ота-онанинг ўзи сабабчи ҳисобланади. Бироқ уларнинг аксарияти "хом сут эмган бандамиз-да", дея ўз-ўзига тасалли бермоқчи бўлади. Шунинг учун тиббиёт қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиб яшаш ҳаётимиз мезонига айлиши лозим.

**Шавкат НОСИРОВ,**  
"Hurriyat" мухбири.

## Ўқитувчининг ҳам ўрганиши давр талабидир

Эртанги кунимиз ёш авлода таълим-тарбия бераётган педагог ходимларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу боис уларнинг касбий маҳоратини, методик савиясини ошириб, таълим-тарбия соҳасидаги энг сўнги янгиликлардан хабардор қилишда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларининг туганган ўрни алоҳидадир.

К.Убайдуллаев номидаги Қорақалпоғистон Республикаси педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳам ана шундай таълим даргоҳларидан биридир. Халқ таълими соҳасида ёшларга таълим-тарбия бераётган педагоглар ҳар ўн йилда бир мартаба бизга келиб малакасини ошириб, энг сўнги таълим технологияси ва янгиликлардан хабардор бўлишмоқда.

Бугунги кунда таълим даргоҳимизда 6 та кафедра мавжуд бўлиб, уларда 45 нафар ўқитувчи, 1 нафар профессор, 1 нафар фан доктори, 12 нафар фан номзода ва доцентлар тингловчиларга таълим беришмоқда. Педагогларимизнинг малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида ўқиш давомида даволаниб, ўз саломатликларини тиклаши учун ҳам қўлай шароитлар яратилган.

Педагогларнинг малакасини оширишда институтимиз ахборот-ресурс марказининг ўрни катта, албатта. Ҳозирда унинг китоб фондида 15315 нуҳсадан кўпроқ адабиёт мавжуд. Ахборот-ресурс маркази 25 ўринли ўқув зали, 1 китоб сақлаш фонди ва компьютер хонасидан иборат бўлиб, барча фанлар бўйича маъруза матнлари, уларнинг электрон вариантларини ўқиш имкони бор.

Бугунги компьютер асрида ҳар бир педагог ҳодимимиз илгор техника ютуқларини мукамал билиши, улардан ўз дарсларида фойдаланиши лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Дарсларни электрон кўргазмали қуроллар билан ўтиш, янги ахборот технологияларидан фойдаланишни янада ривожлантириш мақсадида тингловчиларнинг компьютер техникаларидан ва интернет тизимидан фойдаланиши учун барча шароитлар яратилган. Бундан ташқари, институт компьютерларига зарур мавзулардаги мультимедиа дарсликларни киритилган. Ҳар ойда малака ошириш курсларида келган тингловчиларга ўшбу мультимедиа дарсликларидан фойдаланиш усуллари ўргатиб келинмоқда.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги қошида ташкил этилган "ZioNet" марказига институт профессор-ўқитувчиларининг маъруза матнлари, амалий дарс ишланмалари, конференция материаллари мунтазам равишда юборилмоқда. Интернет тизимида институтимиз фаолиятини акс эттирувчи ўз сайтимиз мавжуд.

Илгор педагогик технологияларни жорий қилиш учун махсус ўқув хонаси ташкил этилган бўлиб, у зарур бўлган техник ускуналар, дидактик ва тарқатма материаллар, кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган. Педагогларни қайта тайёрлаш ва

малакасини ошириш курсларида уларга маъруза ва амалий дарслардан ташқари, тарбиявий ва ҳар хил муҳим муаммолар бўйича илмий тадқиқот ишларини, методик қўлланмалар ва методик тавсияларни ёзишнинг ўргатиш долзарб вазифа этиб қўйилган.

Шунингдек, профессор-ўқитувчиларимиз илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш билан бир қаторда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ёзиш билан ҳам машғул бўлишяпти. Жумладан, Тил ва адабиёт кафедраси мудири, филология фанлари номзоди К.Палимбетов томонидан 6-синфлар учун "Бадиий ўқиш" дарслиги тайёрланиб, чоп этилди.

Институтда педагог кадрлар билан малака ошириш курсларидан кейин ҳам алоқа урнатилган. Яъни профессор-ўқитувчилар малака ошириш курсларини тамомлаган педагогларнинг хизмат қилаётган жойларига бориб, уларнинг иш фаолияти билан танишмоқдалар.

Малака оширишга келганлар орасидан энг илгор педагоглари таллаш ва уларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида ҳар ойда "Ойнинг энг яхши тингловчиси" кўрик-танлови ўтказиб келинади. Бу ўш навбатда педагог кадрларнинг ўқитувчилик фаолиятини янада такомиллаштиришга, касбий маҳоратини оширишга, ўз мутахассислиги бўйича илгануванчилигини юксалтиришга, интеллектуал билим савиясини ортиришга ижобий таъсир қилапти.


Ҳар ойда тингловчилардан институтда маънавий-маърифий ишларни яхшилаш масалаларига қаратилган анкета саволномаларига жавоблар олиниб, тақлиф-мулоҳазалар ўрганилади. Шу асосда самарадорликка эришиш дастурлари ишлаб борилади.

Профессор-ўқитувчилар малака ошириш курсларида ўтказилган маърузаларига юртимизда маънавий-маърифий йўналишда юз бераётган ўзгаришлар ҳақида маълумотлар киритиб, тингловчилар учун савол-жавоб ва давра суҳбатларини ташкил қилишади. Бундан ташқари, уларнинг бундан вақтларини маъмули ўтказиш мақсадида спортнинг волейбол, шахмат, шашка, стол теннис турлари бўйича мусобақалар ҳам ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, Бердақ номидаги давлат мусикали театрига бориб спектакль томоша қилиш, ҳафтасига икки марта концерт дастурларини намойиш қилиш йўлга қўйилган.

**Татлимурат АТАМУРАТОВ,**  
К.Убайдуллаев номидаги Қорақалпоғистон Республикаси педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори.

## БОЛАЛАР ДАРДИГА ШИФО ТОПАЁТГАНЛАР

Анджон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази деб аталадиган бу даргоҳ Юртбошимизнинг 2007 йил 2 октябрдаги "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига жавобан барно этилган. Мазкур шифо маскани бузғун кунда нафақат Фарғона водийси, балки республикамизда ҳам ўз ўрнига эга. Муассасанинг энг замонавий ташхис-даволаш аппаратури ҳақида асос-ускуналари билан тўла жиҳозлангани ва жамоа малакали шифокорлардан ташкил топгани, кўрсатилаётган тиббий хизмат маданиятининг юқорилиги билан ҳам аҳамиятлидир.



пультанология, неврология, урология, жарроҳлик ва марказий зарарсизлантириш бўлимларида бўлди. Кўп йиллик иш тажрибага эга бўлган фидойи шифокорлар Гулнора Нуриддинова, Гретина Адамова, Муяссархон Назарова ва Дилшод Маматалиевлар, катта ҳамширалар Салтанат Усмонова, Ферузахон Умарова ва Муқаддас Каримовалар билан суҳбатлашдик. Уларнинг иш фаолияти билан танишиб, тиббиёт маркази жамоасининг эл орасида ишонч ва обрў-эътибор топаётгани беҳиз эмаслигига амин бўлдик. Ҳамма ерда озодаллик ва саранжом-саришталлик, қатъий тартиб-интизом.

Марказ бўлимлари палаталарида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан, шунингдек, қўшни Фарғона ва Наманган вилоятларидан келган бемор болаларни ҳам учратдик. Бу албатта, бошқа худудларда малакали даволаш муассасалари йўқ экан-да, деган маънони ан-

лашмайди. Айни пайтда мамлакатимизнинг бирон шаҳар ёки қишлоғи соғлиқни муҳофиза қилиш тизимига қаратилган гамхўрликдан четда қолмаётгани барчага аён. Фақат мазкур шифонада болалар касалликларининг айрим турлари бўйича энг сўнги таъбиот усуллари қўлланилган, холос.

— Марказимизда соғайтириш жараёнилари кийинроқ кечадиган мурракаб касалликлар бўйича замонавий тиббиётнинг энг пешқадам даволаш усуллари татбиқ этиб борилади, — дейди бош шифокор Искандар Ҳамидов. — Масалан, болалар нафас йўли касалликларини эртарок аниқлашнинг ўзига ҳос хусусиятларини белгиллаш, тугма ёқуд ортирилган асаб касалликларини бартраф этишда физиотерапия даволаш жисмоний машқларни кенгрок қўллашдаги тадбирларимиз анча характерлидир. Шунингдек, болалардаги сурункали вирус-

— Уч яшар ўғилчамиз Анваржон юрак қон-томир касаллигидан азоб чекди, — дейди қувалик фермер Акбарали Қўлдошев. — Шифо излаб кўп жойларга мурожаат қилдик. Бола ёш, касали жиддий, соғайиб кетиши даргумон деганлар ҳам бўлди. Ахирги шу ерга олиб келдик. Бу ерда эса мўъжиза рўй берди. Қўли энгил дўхтирлар операция ўтказиши, бир ой деганда боламизни ҳаётга қайтарди. Ана олдимизда чопкиллаб кетаётган шу ўғилчамиз бўлди. Бугун хурсанд қайфиятда уйимизга қайтаямиз.

Марказ шифокорлари шаянига бундай дил изҳорларини билдирганлар рўйхати анча узун. Яна бир гап: муассаса қошида консултатив поликлиника ҳам фаолият юритади. Малакали мутахассислар 15 турга яқин тиббий ихтисосликлар бўйича бу ерга ташриф буюраётган беморларни қабул қилиб, уларга зарур кўрсатма ва йўлланмалар беришади.

Шунингдек, мазкур шифона врачлари вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ходимлари билан биргаликда қишлоқ врачлик пунктларига бориб, болалар соғлигини муҳофиза қилиш бўйича консултатив хизматлар кўрсатишмоқда. Ана шу йўналишда шаҳар ва туманларга 150 га яқин тиббий хизмат ташрифларини амалга оширишди.

— Шифокорликдан улғурок ва савоблироқ касб бўлмаса керак, — дейди бош врач Искандар Ҳамидов. — Келажагимиз пойдевори бўлган ёш авлодининг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишига ҳисса қўшаётганимиздан хурсандим.

**Солиҳ КАҲҲОР,**  
"Hurriyat" мухбири.

## 01 ОГОҲ ЭТАДИ Қурилишларда ёнғин хавфсизлиги

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 ноябрдаги фармойишига асосан республикамизда 23 ноябрдан 23 декабргача "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилмоқда. Азим Тошкентимизда йил сайин қурилушлар қўламини тобора ортиб бормоқда, қурилаётган биналар шаҳаримизнинг кўрғига кўрк қўшаётир. Лекин шаҳаримизда содир бўлаётган ёнғинлар манбалари таҳлил қилинганда ёнғинларнинг аксарияти қурувчилар вагонларида юз бериб, уларнинг асосий сабаблари қўлбола электр иситиш асбобларидан ва носоз электр симларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш оқибатида содир бўлмоқда.

Ўтказилаётган ёнғин хавфсизлиги ойлиги мобайнида Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ ва ТИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари томонидан қурилушларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бора-бора самарали ишлар олиб боришмоқда. Ҳар бир қурилушда "Қурилуш уйчаси" реиди ўтказилиб, текширувлар мобайнида қурувчилар, газ-электр пайвандчилар билан суҳбатлар ўтказилмоқда. Ёнғин хавфсизлиги мавзусида рангли плакат ва эслатмалар тарқатилиб, тарғибот ишлари

қўчайтириляпти.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, шунингдек, ҳаво ҳароратининг пайсациясини инобатга олган ҳолда Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ юртдошларимиздан қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишларини сурайди.

Қурилуш уйчаларида электр иситиш анжонларидан фойдаланиш, вақтинчалик электр иситиш анжонларидан фойдаланиш, газ баллонлар ва тез ёнғич моддаларни сақлаш тақиқланади. Худуд бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминланиши керак.

Ёнғин чўққандан дарҳол 01 рақами орқали ёнғин хавфсизлик хизматига хабар бериб, улар этиб келишгунча ёнғинни барча мавжуд воситалар ёрдамида ўчириш керак.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, катта ёшлар хонадонларида ва ишхоналарида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилсалар, уларнинг ва фарзандларини, уй-қўлдор анжонларини, қолаверса, давлат мол-мулкни ўт балосидан сақлаб қоладилар.

**Умиджон ҲАСАНОВ,**  
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ МТЭБ муҳандиси.

Термиз шаҳри — мамлакатимизнинг жанубий дарвозаси. Илғари бу ердан Буюк ипак йўли орқали қаровонлар қатнаган. Истиқлолга эришилгач, аждодлар юрган Буюк ипак йўли ўрнидан ўтган Катта ўзбек магистрални хорижий мамлакатларнинг юзлаб автомобиль қаровонлари билан яна серқатнов бўлиб қолди. Бу ўз навбатида уларга сифатли хизматлар кўрсатишдаги сервислар қуришни тақозо этарди. Ана шундай қаровонлардан бири Музработ туманидан ўтувчи хаққоро автомобиль йўлида шарқона усадуба барно этилди. Тўрт ярим гектар майдонни ўз ичига олган қорхона туманининг обод бўлишидан бирига айланди. Унга тадбиркор Амир Эргашев раҳбарлик қилмоқда.

## ХИЗМАТИ ЭЛГА МАНЗУР

**Б**у жой аллақачон одамларнинг гавжум масканига айланган десак, муболага бўлмайди. Улар орасида чет эллик меҳмонларнинг борлиги ҳам диққатга сазовор. Сабаби меҳмонларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш юксак даражада ташкил этилган. Барча қўлайликлар муҳайё қилинган. Автоуловларга техник хизмат кўрсатиш ишига бой тажрибага эга бўлган қўли чакқон усталар жалб этилган. Шунингдек, автомобилларга ёқилга қуйиш шохобчаси ҳам кечаю-кундуз миҳозлар хизматида. Қирқ ўринга мўлжалланган меҳмонхона ҳодимлари ҳам бу ерга ташриф буюрган кишиларни очиқ чех-

ра, хушмуомалалик билан қарши олишади. Меҳмонхонада миҳозлар учун барча имкониятлар ҳозирлаб қўйилган. Бу ердаги жиҳоз ва анжонлар хориждан келтирилган. Йўловчилар узоқ йўл юриб келгач, бу масканда чарчоклари ёзилиб, танлари ором олади.

Қаровонсаройда бундай имкониятларнинг вужудга келишида Амир Эргашев анча боз қотирди. Ана шу интилушлар натижаси ўларок, тикиш-бичиш шохобчаси йўлга қўйилди. Касаначилик асосида 80 нафар киши ишга жалб этилди. Бунинг учун аввало жой ҳозирланди. 20 та тикув машинаси ўрнатилди. Малакали мутахассис Тўхта Турсунов бу ишга масъул этиб тайинланди. Айни пайтда шохоб-

чада Марзия Раҳмонова, Гулбаҳор Хурсанова, Ойна Дўсова, Майсара Раҳмонова, Дилфуза Ваҳобова сингари қўли гул аёллар самарали ишлайяпти. Улар тайёрлаётган қоржомалар, қўлқоплар, кўрпа, ёстиқ жилдлари, эшик-дараза пардаларининг хари-дори бисёр, бозори чакқон.

Қорхона хузурида бинокорлик тармоғи ҳам фаолият юритади. Ундаги 20 нафар қурувчининг ишидан бюртма-чилар ҳам хурсанд. Шу сабабли ҳам бинокорларнинг ўтган йилги даромади 30 миллион сўмни ташкил этди. Иморот-созлар жорий йилда 35 миллион сўмлик қурилиш, таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун астойдил меҳнат қилишяпти.

— Яқин кунларда пойабзал

тикиш қорхонасини ҳам очаяпти, — дейди қаровонсарой раҳбари Амир Эргашев. — Андижондан тўртта моҳир қосиб-ни ишга тақлиф этдик. Маҳалланинг 10 нафарга яқин йигитлари ҳам усталарга шогирд тушишди. Зарур ҳолатда эса Тошкентдаги чарм қорхонасидан олаямиз.

Қорхонанинг ошонасидаги ўринлар сони ҳам кўпайтирилди. Чунки бу ердаги ошпазлар тайёрлаётган лаззатли таомлардан хўрандалар мамнун бўлишмоқда. Бу ҳам қорхона ҳисоб рақамига қўшимча даромад олиб келаяпти. Қорхона худудида анчагина бўш ер мавжуд эди. Ундан 1,5 гектари ўзлаштирилиб, картошка, пияз ва бошқа хил сабзавот уруғлари экилди. Бугунга келиб бу

маҳсулотлар ошонда иш-талайяпти. Натижада тайёрланаётган таомлар баҳоси анча арзонга тушмоқда.

— Амир Эргашевдан бағоят миннатдоримиз, — дейди қорхона жойлашган "Холмурод Жўраев" номи маҳаллада яшовчи Шавкат Сафаров. — Унинг интилушлари боис маҳаллада 100 га яқин одам доимий иш жойларига эга бўлишди. Тадбиркор мағара халланинг ободончилик ишларига ҳам ердан бериши қанда қилмайди. Турли тадбирлар ўтказишда савобатпешалик қилади. Масалан, сал олдин шанбалик ўтказгандик. Унда 150 нафарга яқин маҳалладошлар иштирок этди. Ишдан сўнг Амир Эргашев барчани бир пиела чойга такриллаб, картошка, пияз ва бошқа хил сабзавот уруғлари билан суҳбатлар ўтказилмоқда. Ёнғин хавфсизлиги мавзусида рангли плакат ва эслатмалар тарқатилиб, тарғибот ишлари

залворли. Хизмат кўрсатиш режаси 400 миллион сўмга бажарилган. Унинг 200 миллион сўми автоуловларга ёнғин қуйиш шохобчаси чеккага тўғри келади. Тикиш-бичишдан 300 миллион сўмга яқин даромад олинган. Автоуловларга қарий 12 миллион сўмлик техник хизмат кўрсатилган. Меҳмонхонадан келган одам доимий иш жойларига сўмга етган. Қорхона ҳисобига тушган даромаднинг бир қисми шу ерда хизмат қиладиган ишчиларни моддий рағбатлантиришга, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга, ободончилик ишларини амалга оширишга сарфланади. Ўн миллион сўмга яқин маблағ эса қорхонани ривожлантиришга ажратилди. "Меҳнатдан келса бойлик — турмуш бўлур чиройли", деган мақоланинг исботини биз ўшбу жамоа мисолида кўрдик.

**Омон ШУКУРОВ**

# МАЪНАВИЯТ

АДАБИЙ МЕРОС

## Шоирнинг оҳанраболи

### ОЛАМИ

Мумтоз адабиётимиздаги ҳар бир сўз санъаткорининг ўз ўрни, овози бор. Уларнинг асарлари асарлар оша сиз-у, бизни эзуликка, Ватанимиз севиб-ардоқлашга, бир сўз билан айтганда, томадунинг ривожига ҳисса қўшиб келмоқда. Бу йил таваллудининг 200 йиллиги нишонланаётган Огаҳий ижодий фаолияти бунинг яққол мисолидир. Таниқли адабиётшунос олима, "Буюк хизматлари учун" ордени соҳибаси Суйима ҒАНИЕВА билан бўлган сўхбатимиз ҳам буюк шоир адабий мероси хусусида кечди.

**— Суйима опа, Хоразм адабий муҳитини Мунис ва Огаҳий бадиийтасаввур этиш қийин. Икки сиймони қариндошлиқдан ташқари яна қандай маънавий ришта яқинлаштириб турган?**

— Адабиётимиз тарихида машҳур шоир, моҳир таржимон, етук тарихчи Муҳаммад Ризо Огаҳий ижоди муҳим ўрин тутди. Шоир милодий 1809 йили Хива яқинидаги Қиёт қишлоғида таваллуд топади. Ёшлигидан яхши маълумот олган. Ўзига яшаб ўтган шоирлар ижодини чуқур ўрганган, унда сўз санъатига бўлган қизиқиш жуда эрта шаклланган. Жиянидаги ноёб иқтидорни ўз вақтида илган Шермухаммад Мунис уни адабиёт оламининг нуфузли анжуманларига олиб кирди. Огаҳий амакисидан ижод сирларини пухта эгаллади. Унинг вафотидан сўнг бош мироблик лавозимини ўз зиммасига олиб, бу шарафли касб билан ўттиз йил шуғулланди.

Бу икки сиймонинг ўзаро ҳамкорлиги ҳам шериятда, ҳам тарихий асарлар яратишда кўринади. Уларнинг асарларида кўтарилган умумбашарий гоғлар, эзулик тантанаси, гўзаллик ва лафозат жозибаси тараннуми қанчаллик ҳамоҳан бўлса, асарларининг номларини ҳам ўхшашлик кўзга ташланади. Дейлик, Мунис шерий девонларидан бирини "Мунис ул-ушшоқ" деб номлаган бўлса, Огаҳий "Таввиз ул-оҳийн" деб атади.

Хар иккала шоир ҳамда жамоат арбобини ўзаро яқинлаштирган ришта, албатта, уларнинг қалбани яқинлиқдан ташқари, сўз санъатига бўлган улкан эҳтиром, халқ келажигига бўлган масъуллигида ҳам кузатилади.

Огаҳий ижодини изчил ўрганиш, девонларини нашр этиш ишлари ўтган асрнинг ўрталаридан кенг йўлга қўйилди. Илмий тадқиқотлар доирасида навийшunosлик каби огаҳийшunosлик ҳам шаклланди.

**— Огаҳий Алишер Навоий ижодий аъёнларини давом эттиришда салмоқли ютуқларни қўлга киритгани маълум. Бу борадаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз...**

— Дарҳақиқат, Алишер Навоий сиймосига ва ижодига Огаҳий юксак таважжуҳ билан қараган: уни илҳом манбаи ва ибрат мактаби деб билган. У ҳам Навоий сингари Шарқ мумтоз шериятининг барча жанрларида қалам тейратган. Огаҳийнинг мутафаккир шоирга дилбасталиги татабуъ (жавобия), мухаммаслари мисолида кўзга ташланади. Шоир ғазалларида ошкони мавзулар етакчидек кўринаса-да, моҳиятан давр, тож-тахт талашчилар, халқнинг оғир аҳволи, саройдаги бебошлиқлар, ижтимоий-сиёсий жабҳаларга ҳам эътиборингизни қаратади. Шоирнинг ўзи эътироф этганидек, унинг ёзганлари дард, яъни қайғу-ҳасрат уйғотувчидир.

Огаҳий бир ўринда шундай сатрлар битди:



Даҳр қасриқим, ҳақиқатда кўкан вайрондир, Оши ҳар ким маскан этмак истади, девонадур. Сақфида ер сарбасар, ондин ёвар гарди хатар, Амниятдин йўқ асар, не ажаб қошонадур.

Ёки мана бу мисралар ҳам шоирнинг ўша давр ижтимоий-сиёсий муҳитига бўлган нуқтаи назарини белгилашда ўзига хос аҳамиятга молик:

Хароб ўлсун, илоҳи гулбази даввор чархи дун, Ки, доим даври кашжур, таври шуму, ҳайъати вожун... Онинг кажравлаши татсиридингур бу жаҳон ичра, Жафо аҳли ҳамшира хурраму аҳли вафо маҳзун.

Огаҳий асарларининг мавзу доираси гоғат қамровли. Муҳаббат ҳақидаги ғазалларида унинг ноёб шерий истеъдоди туфайли гўзал ташбеҳлар, ёниқ туйғулар, ҳижрон азобларини англашимиз мумкин. Шоирнинг Навоий ғазалларига боғлаб мухаммасларида гоғларнинг уйғунлиги, бадиий уфқларининг кенглиги уни улғу шоирга ҳамовоз қилди.

**— Таржима билан шуғулланиш ижодкорнинг сайқаллашишда мактаб вази фасини ўтайди. Шу маънода Огаҳийнинг таржимонлик маҳорати нечоғли аҳамиятга эришди?**

— Огаҳийнинг таржима борасида амалга оширган ишлари унинг ижодий иқтидорини оширибгина қолмай, балки бизнинг ҳам кўплай нодир асарларнинг мазмун-моҳиятини чуқурроқ идрок этишимизда ўз аҳамиятига эга. Шоирнинг бу борадаги саъй-ҳаракати туфайли Мирхонд қаламига мансуб 7 жилддан иборат "Равзат ус-сафо" асарининг иккинчи жилдидан бир қисми ва учинчи жилдди, "Нодирнома", "Зафарнома", "Зубдат ул-хоят", "Мифтоҳ ул-толиб", "Ахлоқи Мухсиний", "Бадоеъ ул-вақоеъ", "Насихатнома", "Саломон ва Абсол", "Гулистон" сингари бир қатор ранг-баранг мавзулардаги асарларни ўз тилимизда мутолаа

қилиш имконига эга бўлдиқ.

**— Огаҳий бошқа жанрлар билан бир қаторда рубоийнависликда ҳам сезиларли муваффақиятларга эришган. Шундай экан, шоир рубоийларининг бадиий моҳияти алоҳида эътирофни талаб этади.**

— Чиндан ҳам Огаҳий рубоийлари юксак санъат асарлари ҳисобланади. Шоирнинг бу борадаги шериятида ҳис-туйғулар, эл-юртга муҳаббат, ҳаётдан завқланиш, инсоний фазилатлар ўз аксини топади. Огаҳий қайси мазмунда рубоий битмасин, унинг бадиий шурри кўзга яққол ташланиб туради. Шоир аксар ҳолларда ҳаётдаги тенгсизлик, адолатсизлик, разиллик ва пасткашлиқларга қарши чиқар экан, ўз исёнини фалакка, даврга қаратади.

Шоирнинг қуйидаги рубоийсида, унинг матн замирида гоғат жиддий фалсафий фикр, ижтимоий ҳаётга оид қарашларини кўришимиз мумкин.

Агар жамъ ўласа учқун бир маконга, Бўлур албатта оташгоҳ пайдо. Ва гар ҳар соридин йиғнолса қатра, Бўлур тадриж ила тўфон хувайдо.

Огаҳийнинг ахлоқий мазмундаги рубоийларини ҳаётнинг аччиқ-чучугини тогган, ундаги яхши ва ёмонлар фелъ-атворини пухта билган доно мутафаккирнинг авлодларга қолдирган улкан адабий мероси сифатида баҳолаш тўғри бўлади.

**— Хотиралар инсонни ўтмиш ва бугун ўртасида боғлаб туради муштакам кўприқдир. Бундан ролпа-роса 50 йил олдин шоирнинг 150 йиллиги кенг нишонланган. Ҳа йилларнинг унутилмас хотираларини биз билан баҳам кўрсангиз...**

— 1959 йили академик Азиз Қайюмов Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институтида директор, мен эса илмий котиб эдим. Шоирнинг 150 йиллик юбилейига академия президенти, академик Ҳабиб Абдуллаев бошчилигида зиёлиларимиз Қори-Ниёзий, Иброҳим Мўминов, Хадича Сулаймонова, Субўтой Долимов, Сабоҳат Азимжоновалар билан бирга борганмиз. Шоир туғилиб ўсган Қиёт қишлоғида бўлганмиш. Бугердаги бепоев пахта даласининг ўртасида қинғирқийшиқ ўсган тут дарахти эътиборимизни тортиди. Бу ернинг масъулими бизга: "Дарахтин Огаҳий ўз қўли билан эккан экан. Кесиби юборишга кўзимиз қиймади", — дейишди.

1989 йилнинг 17 декабрида шоирнинг 180 йиллигига бағишланган илмий анжуман ўтказилганди. Эртаси куни шоирнинг уй-музейи очилган.

Тўйга тўёна билан деганларидек, шоирнинг бу галги таваллуд айёмига атаб, Ўзбекистон Бастакорлар уюмаси раиси Рустам Абдуллаев ва Ўзбекистон халқ артисти Муассар Раззоқовалар мусиқий тўхфа тайёрлаганларини таъкидлаш жоиз.

**Хидирали ПАНЖИЕВ сўхбатлашди.**

Олам муаммоси, унинг воқеа-ҳодисалари сабабини ҳис қилиш, ёритишдан кўра, инсон оламини англаш мураккабдир. Сабаби инсоннинг ўзи, унинг қалби бутун бир оламдир. Қолаверса, дунёдаги (табиат ҳодисаларидан бошқа) барча жараёнларнинг юзага келиши, рўй бериши, ҳаётда эзуликнинг тантанаси ҳам комил инсоннинг ўй-фикри, ҳаётий фалсафаси ва уни амалга оширишдаги саъй-ҳаракатига боғлиқдир. Бундан кўринадики, ҳаётдаги ҳар қандай жабҳанинг мақсад сари йўналиши инсон заковати ва унинг маъсули туфайлидир. Демак инсоний муносабатларнинг мувозанатини омма эмас, кўпроқ яққа шахс белгилайди. Бу инсоннинг руҳий ва маънавий бойлигига боғлиқдир. Кейинги давр адабиётда худди шу нарсани очиб беришга эътибор кучаяпти. Нормурод Норқобилонинг "Дашту далаларда" (Тошкент. "Ўзбекистон" НМИУ, 2009) романини ўқиган киши бунга ишонч ҳосил қилади.

Асар қаҳрамонлари ҳеч қанақа амалга, дипломга эга бўлмаган оддий чўпонлар, шаҳардан узоқда, техника воситаларидан ҳам холи бўлган дашту далаларда истикомат қилаётган одамлар. Лекин қаҳрамонлар юксак ахлоқ эгаларидир. Маълумки, халқ, миллат ўз хусусиятларини сақлаб қолишда ахлоқ асосий роль ўйнайди. Қайси жамиятда ахлоқ юқори даражада бўлса, ўша жамият ҳар ҳаётдан бир-бирига муҳаббатли оиладан туғилган. Асар воқеалари бир-бирига улашиб кетади. Уларнинг ҳар бирида ёзувчи мақсади ётади. Улар фалсафий аҳамиятга эга. Тўланбой қопқонга тушиб қолган каттақон малларанг тулки — қорақулоққа кўзи ташади. Бу воқеа шундай тасвирланади: "У секин-аста қопқонга яқинлашар экан, унинг укв-сизларча қўйилганини бир қарашдаёқ фаҳмлаб,

дўстларнинг гурури дейди. Ичимлик ичилган сари Рўзиқулнинг ҳасад ўти аланганлай бошлади. Тўланбой шаънига айтилган мақтовий ўзига эмаслиги алам қилади-да, уни камситишга ўтади, охирида дўстининг шаънини ерга урадиган гап айтади, уни пастуҳ дейди. Аслида пастуҳ билан чўпонни маъно жиҳатидан фарқи бўлмасда-да, бу Тўланбой учун қаттиқ ҳақорат ҳисобланади. Ўзини жуда

МУТОЛАА



ҳасини кўргани борганда, бўри илинжида у билан даштга келади. Асарда воқеалар бир-бирига мантқий боғланиб, ёзувчи концепциясини яхлит ифодалайди. Адибнинг концепцияси эса инсон руҳиятининг аъмоли орқали ҳаётга эзулик уруғини сочиш ва ҳаётда ҳамма нарсанинг

## Қалб ифодасининг бадиий талқини

тараққий топиши муқаррардир. Романнинг қаҳрамонлари шундай хусусиятга эга. Романда табиат билан инсон уйғунлигида тасвирланади. Табиатни авайлаш, авваломбор, инсониятни авайлаш демакдир. Бу ҳаётий ҳақиқат асар воқеаларига ва қаҳрамонлари фаолиятига синдириб юборилганидан ижтимоийлик касб этади.

Асарда воқелик ҳикоя қилинмайди, тасвирланади. Тасвир тиниқ бўлганда воқеа кишини зериктирмайди. Ҳукучи воқеанинг иштирокчисига айланиб қолганини ўзи ҳам сезмай қолади. Натيجида унинг замиридаги моҳият ойдинлаша боради. Воқеа оддий, лекин оддийлик ботинида ётган фикрни англаш қийин ва мураккабдир. Чунки у бўртиб турмайди, очик кўзга ташланмайди.

Роман Тўланбойнинг "подани кунгай бетга ёйиб, ўзи тунд ва ҳафсаласиз зур қиёфада, ошқимай, қуёшга терс тепалликка" кўтарилишидан бошланади. Шу дақиқадан бошлаб дала-даштнинг нафасини туюшимиз, табиати билан танишамиз, унинг меҳрини ҳис қиламиз. Рухшunosлар тадқиқотининг натижасига кўра, фарзанд табиатидаги инсоний фазилатларнинг кўртаклигини бир-бирига меҳрли ота-онадан туғилишига боғлиқ экан. Тўланбойнинг табиатида ҳам инсоний фазилат бисёр, сабаби у

камситилгандек ҳис қилиб, Рўзиқулни ҳайдайди, олдига солиб қувади. Лекин кейинги сафар яна дастурхон кўтариб келганда, ҳеч нарса бўлмагандай улфатчилик қилади. Ҳар сафар олдинги ҳолат такрорланади. Тўланбой ҳамиятининг ерга урилиши нафс устидан гоғиб келомаслигининг оқибатидир. Нафсга берилиш инсон иродасини заифлаштиради. Ваҳоланки, Рўзиқул олиб келган нарсаларнинг даярли барчаси Тўланбойнинг уйдидан бўлади. У бир кун илгари Тўланбойнинг онаси олдига келиб, "Эртага даштга, журамнинг олдига кетаялман, атаганингизни тайёрлаб қўйинг" — дейди. Эртасига яхшилаб пиширилган товухни олиб кетади. Қолган нарсаларни эса қариндошларидан ва моли Тўланбойнинг подаида бўлганлардан ундиради.

Тўланбойнинг қалби тоза, кўнгли тўғри, қариндош-уруғига меҳрибон одам. Айниқса, тоғаси Ҳайдарни ойда икки бор йўқлаб боради. Тоғасининг мангалига тузуқроқ хотин битмаган, ёлғиз туради. Ноқис феъли туфайли аёл зоти унга чидаш беролмайди. Аммо бу борада у тоғасини сира айбламайди, қайта-қайта кўнгли яримта, дея унга қайшади. Тоғаси бўри боқишни яхши қуради, бу борада дўстларига ҳам мақтаниб қўйган. Тўланбой одатдагидек то-

ҳисоб-китоби борлигини кўрсатишдир.

Романда барча воқеа-ҳодисалар узвий боғланган. Улар ўз навбатида ёзувчи концепциясини ифодалайди. Маълумки, асар Тўланбойнинг қопқонга тушиб қолган тулкини кўриб қолишдан бошланади. Уни ўлдиришга кўп чоғланади, лекин бошқа воқеаларга андармон бўлиб, бу иш кейинга сурилади. Асар охирида Тўланбой уни қўйиб юборади. Чунки унинг қисматида узини тасаввур қилади. Ҳаёт ҳам нафсга берилганидан руҳан заифлашади, оқибатда зехни ўтмаслашади. Шу туфайли кўп иллатларга йўл қўяди. Айниқса, тоғаси Ҳайдарнинг бадғумонлиқка берилиб хотини Ойгулни ҳайдаган, ёлғизлик ўзининг қилмиши рақибатда қўйишга мажбур қилади. Турмушдан файзининг йўқолиши, ўтовнинг олдинги ҳолати хотиннинг фазилатини эслаштириш ўз хатосини тан олдирди. Тан олиш эзулик сари қадам ташлашдир. Болаларининг соғинчи эса тулки ҳақида ўйлашга туртки беради, отаси қилган ишлар тўғрисида мулоҳаза қилишга ундайди. Фикрлаш борасида руҳий рақибат кучайди. Бунинг натижаси эса инсон ўз-ўзини танишга олиб келади.

**Ҳакимжон КАРИМОВ, Низоми номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори.**

Қақликнинг қоши ниҳоятда гўзал. Унинг тўшидаги ола парлар эса кўнглингиз рангидан қушга янада гўзаллик бахшида этгандек.

Қақликлар селаси йил давомда икки мартаба яшаш мақолиларини ўзгартиришади. Улар эрта баҳорда баланд тоғларга чиқиб, куз фаслида, тўғрироғи, қишининг бошланғич арафасида пастки ялангоҳ тоғларга қўчиб, қаҳратоннинг қаҳридан жон сақлашади.

Қақликлар шунчалек табиий барометри, уларга қойил қолмасдан илож йўқ. Чунки улар баланд тоғларга қор тушиши ва ҳавонинг бирданига совиб қолишини бир ҳафта олдин сезишади. Шу боис, дарҳол бир жойга тўпланиб, қарийб юзтадан иборат қақликлар селаси пастки тоғларда қишлош учун ҳозирлик қўришади. Ушунда қақликлар ҳатто ўнлаб километргача ҳеч қаерга қўнмасдан учиб кетишади. Қушларнинг олд қисми қишлош учун Афғонистон, Эрондаги тоғларга кетади. Буни қишки ров дейишади.

Қизиги шундаки, қақликлар бундан аввалги йил қайси йўналишда утишган бўлса, бу йил ҳам уша йўналишда худди самолётларнинг осмондаги йўлидек бир чирик бўйлаб ҳаракатланиб, ҳар гал қишки ров пайтида кўниб, нафасини ростлайдиган жойда бир кун дам олишади. Ана шундай пайтда қақликларни учратиб қолсангиз, уларни осонликча ушлаб олишингиз мумкин. Чунки улар ўнлаб километр масофага тўхтовсиз учгани сабаб, чарчок туфайли ерга қанотларини ёйганича холсиз бўлиб ётишади. Эрта баҳорда эса қақликлар пасткам тоғлардан юқорилаб боришади. Буни "оёқ" рови дейишади. Сабаби қақликлар селаси баланд тоғларга пиёдалаб боришади. Бу сафар ҳам қақликлар ўтган баҳорда қайси йўлдан тоққа чиққан бўлишса яна уша йўлдан юришади. Баҳорда қақликлар турли гиёҳ, ўт-ўланлар билан бирга майда тош зарраларини қўшиб озикланишади. Чунки уларнинг жигилдониди жойлашган сангдон тош зарраларини ҳам ҳазм қилади.

## ТОҒ ГЎЗАЛИ

Кўклам гўзаллигидан маст бўлган қақликлар тўхтовсиз сайрашади. Ана шу мавсимда овчилар ўз хонадонларидан тўтқунда бўлган хўроз қақликларни овга ҳозирлашга киришадилар. Қафасдаги қақлик қаймоқ мойи ва хамир аралаштирилиб тайёрланган озуқа билан парвартиланади. Сўнг қафасдаги овчи қақликни баланд тоғларга олиб чиқиб, унинг устини арча шоҳлари билан яхшилаб беркитишади. Қафасдаги хўроз қақлик атрофига эса от қилидан қўлда тайёрланган диаметри чинни қолсадек келадиган доирасимон туюқларни икки-уч қатор қилиб, жингилдан тайёрланган сичқаларга илиб қўйишади. Тоғ баҳорининг хидини сезган хўроз қақлик сайраша тушади. Шуниси қизиқки, ҳар бир қақлик селасининг ўз майдони бор. Улар ўша ўзлари "негаралаб" олган майдон атрофида яшади. Бошқа бир қирдан келган бегона қақликларни ўз майдонларига киритишмайди. Овчилар эса бундан устакорлик билан фойдаланиб, хўроз қақликни бутазор ичига яшириб, туюқ қўйишади. Хонаки қақлик ўз юр-

тини кўргач, табиийки, дарров сайраша тушади. Шу атрофдаги хўроз қақликлар хонаки қақликнинг сайрашига жавоб қайтаришади. Улар орасида даҳанаки "жанг" бошланади. Мабоодо овчи қақлик узоқ масофадан туриб узаро "жанг"да енгилса, у бутунлай сайрамай қолади. Бу овчилар ҳам енгилди, деган гап. Мабоодо овчи қақлик зўр бериб сайрайверса, узоқдан унга "жанг" очган ёввойи хўроз қақликлар тасодифан ўз майдонларида пайдо бўлган "полвон" билан курашга тушиш учун учиб келишади. Уртада яна даҳанаки жангнинг турли усуллари бошланади. Фазаб отига минган ёввойи хўроз қақликлар бегона билан ёқма-ёқа уришиш учун ўзларини туюқ қўйилган майдонга уришади. Доира шаклидаги желанинг сиртмоқларига илинишган, бўйнидан қисилганича туюққа тушишади... Май ойларида мокиёни тухум қўйган, хўроз қақликлар "бева" бўлиб қолишганича, ўзларига бошқа ёр излашга тушишади. Ана шунда овчилар қафасда сақлаб юрган мокиёни қақликларни буталар орасига яхшилаб бер-

ТАБИАТ ВА ИНСОН

орасидан чиқариб ташлайди... Уч кунлик жўжаларни ушлаб олиш жуда қийин. Улар онасига эргашиб, уча оладиган бўлишади. Мабоодо жўжаларни ушлаб, қафтингизда тутиб турсангиз, инсон қўлининг эҳтирдан жўжа халок бўлади. Ҳа, қақлик ўта нозик ва гўзал қуш. Чўпон-чўликлар қақлик жўжаларини ушлаб олишга уларни қўй жунидан ясалган қафас ичидаги уячаларда сақлаб, парвартиш қилишади. Қақлик селаларини хавфдан бохабар қилувчи олашаққоқ, жиржир деган қушлар бор. Узоқдан келадиган инсон эотики кўрган бу қушлар дарров баланд овозда чириллашиб, қақлик селаларини хавфдан огоҳ этадилар. Ушунда селла бошлиғи "қақ-қағ" этиб, хавф борлигини селла аъзоларига хабар қилади. Қақликлар ўзларини қалин буталар ичига уриб, бекиниб ётадилар. Бундан беш олти йил илгари қақликлар кўп овланарди. Ўғри мерганлар кўп эди. Улар қузнинг ўрталарида қишлош учун пастки тоғларга энган Бойсун тоғларининг Қорадара, Гурдара,

Қоғрундара, Қарадунг каби тоғ тизмалари бағридаги сув оқаётган бўлоқ бошида тонг ёришмасдан ўзларига яширин қапа ясаб, унга кириб олишарди. Бу дараларда сув танқис бўлгани учун ягона бўлоққа сув ичишга энган қақликлар селаси бир жойга тўпланиб қолган, номард мерганнинг ов қуролидан отилган сочма ўқлар қақликлар селасини чағ-у, парларга бўлғаб, она табиатиимизнинг гўзал қушига қафани бичарди. Мерганларнинг дастидан ноёб хусусиятларга эга бўлган кўп қақликлар кирилиб кетди. Ҳозир ана шу даралар билан қўшган ҳолда Бойсуннинг Завбоси, Оқтош, Санежар, Ўрбулоқ, Катманчопди, Қоплондара каби ўнчадан ортиқ худудларда қақликларнинг овози ўқтин-ўқтин эшитилиб туради, холос... Дарҳақиқат, қақликлар тоғ гўзали. Унинг ёқими сайрашидан дилингиз яйраб кетади. Авваллари тоғларга чиқсангиз узоқ-узоқлардан хонши қилаётган қақликларнинг овози билан тонгни қаршилардингиз. Сукунат босган тоғлар эса бу гўзал қушнинг сайрашидан уйғонаётгандек эди ғўе! Энди эса тоғларга, ундаги жилғаларга нигоҳ ташлаганча ўша гўзал қушнинг дараларга акс-садо бериб сайрашини кўрсайсан киши. Бу табиатга қўшган жабринининг жавобига ўхшади.

**Собир ЁДИКОВ, журналист.**

# ЮРТИМИЗ САНЪАТ АСАРЛАРИНИНГ ДОВРУФИ

Хайтда шундай воқеалар бўладики, ахамияти инсонни кундалик таъшишлардан баландроқ туршига ундайди. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, четдан қараганда мамлакат ҳаётининг турли жабҳаларида амалга оширилаётган улкан ишлар кўзга яққол ташланади. Шу маънода айтиш керакки, истиқлол даврида тасвирий санъат соҳасида кўлга киритилган ютуқлар, Президентимизнинг соҳа ахлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганликларини боис, янги ижодий ишлар мазмун-моҳияти халқимиз маънавий оламнинг бойлигига хизмат қилмоқда.

ат асарлари билан қалбларни забт этган ҳайкалтарош Илҳом Жабборов яратган Амир Темури сиймосининг туркум ҳайкаллари юртимизнинг бир неча шаҳарларида ўтмиш маданиятимизни акс эттириб турибди. Фарғона ва Қувада ўрнатилган Ал-Фарғоний ҳайкаллари авлодларнинг бир-бирига бевосита дахлдорлигини, бебаҳо бойлик — инсон маънавий дунёсининг теранлигини, бадиий, маънавий маданиятимизни томошабинларга кенг қамровда намойиш этмоқда. Еки Жалолдин

фондидан ва шахсий коллекциялардан жой олгани қувонарлиқдир. Бу билан истиқлол йилларида дунё Ўзбекистон тасвирий санъатини кашф этди десак, муволафа бўлмайди. Юртимиздаги кўплаб рассом, ҳайкалтарош, ҳунармандларнинг асарлари қатор халқаро кўргазмаларда муваффақиятли намойиш қилинган бу соҳада олиб қилинган ижодий ишларнинг яхши йўлга қўйилганидан далолат беради.

— Санъатни аслида халқ яратди. Санъаткорларимиз қанчалик халққа яқин тур-

Марказий кўргазмалар залида фақат Ўзбекистонда эмас, балки хорижий давлатларда ҳам турли хилдаги мураккаб кўргазма лойиҳаларини амалга оширишга қодир ҳамкор сифатида мустаҳкам оғури қозонди. Ана шундай самарали лойиҳалардан бири ҳар йили Германия ва Франция элчилари ташкил этадиган дизайн кўргазмасини ўтказиш аънава тусига кирди. Латвия элчихонаси тақдир этаётган рангтасвир ва фотография кўргазмаси ҳам оммалашди. Айниқса, Ўзбекистон, Италия, Япония археологларнинг семинар-кўргазмаси томошабинларни янги топилмалар билан таништириб бормоқда. Бу кўргазма «Ўзбекистонда будда ёдгорликлари» экспозициясининг ташкил этилишига ҳам туртки берди. Бундай ижодий ҳамкорлик республикамизнинг чекка туманларида яшаб ижод қилаётган рассомларнинг ижодий ишларини халққа таништиришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, санъат соҳасига кириб келаётган ёш рассомларни кўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратганмиз. Бу ижодий фаолиятимизнинг мазмун-моҳиятини бойитмоқда.

Дарҳақиқат, санъат асарларини нозик дид ва нафосат билан халқимизга намойиш этиш ўзига хосликни, юксак даражадаги маҳоратни талаб этади. Бадиий академия жамоаси бундай масъулиятли вазифани шараф билан адо этиб келаётгани тахсинга лойиқ. Лекин ҳаётни кўриб, илғаб олиш маҳорати ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Чин юракдан самимият билан яратилган асарларгина бир умр эсда қолади. Мен санъатлар ичида рангтасвирни ҳаммасидан қўнқот севаман. Назаримда, одамлар қалбини рангтасвирдагикид бериб бўлмаса керак.

Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, рассом Иброҳим Валихўжаевнинг ижод намуналари билан танишарканмиз, менга рассом пешона тери, қалб қўри ва дардини буюқларга қўшиб юборгандай кўринди. Рассомнинг ранглар

дунёси билан танишиш ҳисси беихтиёр у билан сўхбатга чорлади.

— Санъаткорнинг мавқеи у чизган асарлар билан ўлчанади. Умрбоқий санъат асарлари инсон қалбининг оташин туйғуларидан яралади. Ўз даврининг қувонч-у, таъшишларини илғаган, ранглар дунёси билан ҳаётини чамбарчас болаган инсонгина улмас асарлар яратиши мумкин, — дейди рассом Иброҳим Валихўжаев. — Кейин мусаввирда истеъдод шунингдек, катта қобилият бўлиши, ҳис-туйғулари ўзидан доимо олдинда юриши керак.

Мен ҳар доим дунёқарашим ўзимдан олдинда юришига ҳаракат қиламан. Бунинг учун кўп бадиий китоблар мутлола қиламан. Табиатнинг соҳир рангларини излайман. Рухиятимдан ўтган ранглар жилоси қалбларга сингса, ҳаётимдан мазмун топаман. Марказий кўргазмалар залида намойиш этилаётган тадбирларни мунтазам кузатиб бораман. Бу ерда турли йўналишдаги кўргазмалар ҳар доим катта тайёргарлик ва юксак эътибор билан ўтказилади.

Залда бадиий жиҳатдан юксак асарларни оддий тарзда илби ёки ўрнатиб қўйиш билан уларни томоша қилаётганларга таъсир этадиган жойда намойиш этиш ўртасида катта фарқ бор. Баъзи экспозициялар ва уларда намойиш этилаётган санъат намуналари анчагача ёдимда муҳрланиб қолади. Қолаверса, кейинги йилларда бир гуруҳ истеъдодли мусаввирлар ўз асарларини дадиллик билан ана шу муҳташам кўргазма залида намойиш этиётгани қувончли ҳолдир. Бадиий академиянинг тавсияси билан ўзимнинг кўргазмаларим ҳам юртимизда кўп бор ташкил этилган. Ҳар доим бундан қалбимда ажиб сурур туяман. Чунки рассомнинг ижоди аввало ўз она юртида қадр топиши, халқининг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлиши энг катта бахт экан. Бунга ўтган йили Марказий кўргазмалар залида юбилей кўргазмаси ташкил этилганда яна бир бор амин

бўлдим. Кўргазмада 200 дан ортиқ асарларни томошабинларга тақдим этилди. Ижодий ишларим Бадиий академия томонидан юксак баҳолангани менга чексиз қувонч бағишлади.

Ҳа, рангин дунё, кўнгил оламнинг изтироби-ю, қувончларини мўйлақам орали яхлит тасвирлаш мусаввир учун қанчалик бахт бўлса, ундан завқланиш томошабин учун ҳам улғу саодат ҳисобланади. Кўнгилга яқин асарлар худди ёшликда орттирилган дўстдек бизга ҳаёт давомида ҳамроҳ бўлади. Санъатнинг ана шундай гўзал сурурини қалбимизга жо этаётган Бадиий академия академик таълимга эга бўлган ва ёш рассомлар авлодини тайёрлаб бераётган маҳоратли санъаткорларнинг катта жамоасидан ташкил топган. Ноёб қобилият эгаларини топиб, тарбиялаш энг масъулиятли вазифа. Бу борада академия ўзининг кўп поғонали бадиий таълим тизимига эга. Масалан, академиянинг бевосита ҳамкорлигида ўтказилаётган тадбир ва кўргазмаларда республика тасвирий санъат ва амалий-безак санъат мактаблари, рассомчилик коллежи ва Камолдин Бехзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти талабалари доими тарзда иштирок этиб келмоқда. Шу ўринда вилоятлар марказидаги рассомчилик лицейларида ҳам рассомлар ва халқ усталари билан ижодий учрашувлар, кўргазмалар ташкил этилаётгани алоҳида эътирофга лойиқ.

Ўзбекистон Бадиий академиясининг ташкил этилишига кўп вақт бўлмаган бўлса-да, бу ерда кечаётган ижодий жараёндан хайратта тушасиз. Айниқса, шу кунларда академиянинг бевосита иштирокида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишлаб «Юртимиз жавоҳирлари» кўргазмаси бўлиб ўтгани жуда кўплаб юртдошларимизда катта таассурот уйғотди.

Адйба УМИРОВА, «Hurriyat» мухбири.

**ЁШЛАРИМИЗ ИШОНЧНИ ОКЛАДИ**  
Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси (U-19) 2010 йилнинг 2-17 октябрь кунлари бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатида қатнашадиган бўлди. Вакилларимиз Эронда ўтказилган саралаш беллашувларида муваффақиятли иштирок этиб, кўгта чемпионати йўлланмасини қўлга киритишди.



«D» саралаш гуруҳидан жой олган ҳамюртларимиз Осиё чемпионатида қиқиш учун Эрон, Покистон, Туркманистон, Мальдив ороллари ва Ливан ёшлар терма жамоалари билан рақобатлашиши лозим эди. Лекин Туркманистон, Мальдив ороллари ва Ливан футболчилари мусобақада қатнашмади. Шу боис «D» гуруҳида учта терма жамоа қуч синашди. Дастлабки учрашувда футболчиларимиз Покистон терма жамоасига қарши майдонга тушиб, рақиб жамоадан ҳар томонлама устунигини исботлади. Улар покистонликлар посбони Ҳаниф Сакиб қўриқлаётган дарвозага жавобсиз бешта тўп киритишга эришди.

Вакилларимиз саралаш доирасидаги иккинчи ўйинни мусобақа мезбонларига қарши ўтказди. Қўтилганидек, учрашувда эронликлар дастлабки дақиқалардан оқ ташаббусни ўз қўлига олишга уринишди. Аммо ҳисобни очиб футболчиларимизга насиб қилди. Кирилган голга ўйиннинг биринчи бўлимида яхши ҳаракат қилган иктидорли ёш футболчимиз Сардор Рашидов муаллифлик қилди. Бу Эрон терма жамоаси вакилларининг шаштини анча оширди. Натижда улар кетма-кет ҳужумлар ташкил этиб, учрашувнинг 70-дақиқасида орадаги мувозанатни тиклашди. Ушбу гол Ўзбекистон терма жамоаси дарвозасига ҳимоячи Имон Шерозий томонидан киритилди. Шундай қилиб, ҳисоб 1:1. Ушбу учрашудан кейин вакилларимиз «D» гуруҳида биринчи ўринни эгаллади.

### РАЙАН ГИГЗ БРИТАНИЯДА «ЙИЛ ШАХСИ» ДЕБ ТОПИЛДИ

Англиянинг «Манчестер Юнайтед» футбол жамоаси ярим ҳимоячиси Райан Гигз Британиянинг BBC Sport телеоради корпорацияси томонидан «Йил шахси» деб топилди. Бундан ташқари телеорада телеомошабинларнинг ёрдами катта бўлди, албатта. Улар 13 декабрь куни студияга телефон қилиб, Британиянинг ўн нафар спортчисида энг яхшисига овоз беришди. Натижда ўттиз олти ёшли Райан Гигз жами 151842 овоз жағғариб биринчи ўринни эгаллади. Бир неча йил олдин «Манчестер Юнайтед» жамоаси вакиллари-дан Дэвид Бэкхем ҳам ушбу унвонга лойиқ деб топилган.



Иккинчи ўрин Формула-1 мусобақаси жамоаларидан бири McLaren Mercedesнинг ҳайдовчиси ва 2009 йил чемпиони Жenson Баттонга насиб этди. Британиялик енгил атлетикачи Жессика Эннис эса кучли учликни якунлади.

### ЖАРОҲАТИ ХАВФЛИ ЭМАС

Фигурали учиб бўйича олимпиада чемпиони Евгений Плющенко тиззасидаги жароҳати туфайли жорий йилнинг 24-28 декабрь кунлари бўлиб ўтадиган Россия чемпионатида иштирок этмаслиги мумкин. Айни дамда у машгулотларга ҳам бормай қўйган. Бу ҳақда бугун кўплаб оммавий ахборот воситалари ёзишмоқда. Лекин яқинда журналистлар спортчининг агенти билан унинг саломатлиги тўғрисида сўхбатлашди.

— Евгенийнинг чап оёғи тиззаси чамаси бир ҳафтала олдин оғрий бошлади, — дейди спортчининг агенти Ари Закарья журналистлар билан мулоқот чоғида. — Мана, уч кундирки, у машгулотларга бормайди. Аммо Евгений бир неча кундан кейин яна спорт билан шуғулланиши мумкин. Бу — унинг Россия чемпионатида иштирок этишининг далолати.

Ари Закарьянинг гапларидан яна шу нарса маълум бўлдики, Евгений Плющенко шу кунларда яхши спорт формасида. У олдинги натижаларидан ҳам юксакроқ марраларни забт этишга тайёр.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

Ранглар дунёсига ошуфталик ҳаваси бизни Ўзбекистон Бадиий академиясида амалга оширилаётган ижодий ишлар, келгуси режалар билан яқиндан танишишга ундади. Мустақиллик даврида академиянинг ташкил этилиши аввало тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, шунингдек, бадиий ҳунармандчиликка муносабат тубдан ўзгаришига туртки берди, десак муволафа бўлмайди. Бу соҳаларнинг халқ маънавияти, эстетик диди, ахлоқий қарашларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришдаги ўрни ва мавқеи орди. Бугунги кунда тасвирий санъат мамлакатда кечаётган умуминсоний ва миллий қадриятларни уйғунлаштирган миллий маданиятни шакллантириш жараёнининг ажралмас қисмига айланди.



Миртожиевнинг ижодий ишлари (Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек) Японияда, (Камолдин Бехзод) Хитойда, (Ал-Фарғоний) Миср каби хорижий давлатларнинг хиббона ва кўчаларини беэза келаётгани қалбимизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотади. Шунингдек, таниқли рассомларимизнинг асарлари ҳам жаҳон музейларининг олтин

са, улардан мадад олса ва ўз навбатида, унга гўзаллик намуналарини ҳада этиб турса, уларнинг ижодида мазмун ортиб боради, — дейди Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Турсунали Қўзиев. — Халқимиз маънавий дунёсига эътибор, уни ўрганиш, тushуниб етиш гоёвий-ижодий фаолиятимизнинг марказида туради. Бугунги кунда

улардан мадад олса ва ўз навбатида, унга гўзаллик намуналарини ҳада этиб турса, уларнинг ижодида мазмун ортиб боради, — дейди Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Турсунали Қўзиев. — Халқимиз маънавий дунёсига эътибор, уни ўрганиш, тushуниб етиш гоёвий-ижодий фаолиятимизнинг марказида туради. Бугунги кунда

## Тил — миллат бойлиги

Қарши давлат университетиди «Тил — миллат тими» деб номланган адабий кеча ўтказилаётганда. Тадбир иштирокчиларидан бирига сўз берилганда, даврага чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини шундай ифода этди: «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинганлиги айни муддао. Она тилисиз ҳаётимизни тасаввур этиб бўлмайди. Бинобарин, дунёдаги барча миллатларнинг ўз тили давлат тили ҳисобланади. Ахир, биз ҳеч қимдан кам эмасмиз-ку! Буни ўз вақтида англаб, чуқур ҳис этиб, хайрли ишнинг бошида турган инсонларга минг раҳмат! Менинг соҳам ҳуқуқшунос бўлса-да, она тилимни севаман. Қолаверса, ўзбек тилига давлат мақоми берилишининг катта ахамияти бор, деб ўйлайман».

Манга, шунга ҳам йиғирма йилдан ошди. Юқорида баён этилган гаплар ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Тўра Ҳужаниёвга тегишли эди. Уша пайтда қирчиллама ёшда бўлган бу жонқуяр зиёли инсон бугунги кунда ҳам ҳаракатчанлиги, изланувчанлиги, маънавиятимиз жонқуяри бўлганлиги билан ҳам қасблари орасида ажралиб туради.

Дарҳақиқат, Тўра ака гарчи ҳуқуқшунос бўлса-да, тилимиз софлигини сақлаш ҳақида илмий мақолалар ёзган, вақтли матбуот нашрларида бир қатор чиқишлар қилган. Жумладан, «Бозор иқтисоди ва давлат тили», «Давлат тили ва миллат қадри», «Давлат тилига ҳуқуқий кафолат», шунингдек, «Кўнгил калити» каби илмий ва публицистик мақолалари воҳа зиёлиларини, қолаверса, мамлакатимиз жамоатчилигини ҳам эътиборсиз қолдирмаган. Бу чиқишлар ҳозирги кунда ҳам кўпчиликнинг ёдида.

Ҳа, шундай. Тўра ака урф-одатлар, миллий ўзлик, айниқса, ўзбек тили шаъни учун доимо жон қуйдиради.

— Тўра Ҳужаниёв фаолларимиздан бири, аммо у кишининг бошқалардан фарқи жиҳатлари ҳам бор, — дейди «Гунёгон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдурашул Холлиев. — У кишини ўзбек тили жонқуяри ва тарғиботчиси сифатида яхши биламиз. Шунинг учун ҳам бизда ўтадиган ана шу мавзудаги кечалар, умуман, маънавий-маърифий тадбирлар у кишининг иштирокисиз ўтмайди.

Яқинда бир ажойиб мўжда қулгоимизга чалинди: Тўра Ҳужаниёвнинг «Давлат тили — миллат қадри» номли китоби босмадан чиқиб арафасида экан.

— Она тили — бу миллат руҳи. Тилини йўқотган одам йўлини ҳам йўқотади, — дейди Тўра ака. — Қолаверса, Алишер Навоий ҳазратлари «Кўнгил маҳзанининг қулфи тил ва ул маҳзанининг қалдирин сўз бил» дея лутф этганлар. Мени қувонтирадигани юртимиз мустақиллиги туфайли она тилимизнинг мавқеи кўтарилди. Унинг расмий идоравий тизими йўлга қўйилди. Барча соҳаларда иш юритиш ҳужжатларининг давлат тилида олиб борилиши таъминланди.

Она тили — миллат бойлиги. У бор экан, миллат келажаги бор. У ҳамisha инсонга руҳий ва маънавий қувват беради.

Илҳом ҚАРОМОВ

## Муҳаббат

Инсон ҳар вақт қувонч-у, шодликка интилиб яшайди, аммо унинг кўнгли уйи ҳамisha ҳам тўқис бахтни кўтаролмайди. Ҳаёт бир маромад кепадими? Йўқ! Уйғоқ қалбни дара ҳамisha титратиб туради. О, дара!.. Аслага қаттол бағрин ҳам бир таълимлар. Дунёнингга кезам, чеки йўқ таъшишлар гиробига, алам чирмашган ҳазонларга, тахир кўз ёшларга ошно бўладим.

Бироқ бу дунёни тўлиқ англамаган боладек хоқисор кўнглимга муҳфа этганинг — рўёби бахт бўлсин, дея дилдан сўраганим ишқини кўзларингга қўраим. Сен менаасан-а? Йўқса кўнглимдан макон сўрашманг?

Пичирай-йўқнинг дара бошқача дара-туплам. Бир шохқўб тақ-Шунчалик бош-тиробрарини кетмайман Ширинлиги сира тўймай-лари шу қаар доқат сувлаа поклик аубосига ўралган қалбгина ундан озор топмайди. Қадам-лиг шундаки, дунё яралибадики, неча хупрезликларга йўлақиб, баъзида «кўйлагини кир қилчиси»да беайиб яшаб келмоқда. У майда-майда қилинган ишқин соният устига сочиб юборилгандай гўё.

Жамики мўъжизалар сафсидаги эскирмайдиган бу дара — муҳаббатлар! Айтарим: муҳаббат дараи сиз-у, бизни чеблаб ўтмай, умр йўлларимизни муаом ёришиб турсин.

Маъмура ЁҚУБОВА

**HURRIYAT**  
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюشمаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: яқси обулачилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: **Абдурашул ЖУМАКУЛ**

ТАХРИР ХАЙАТИ: Хуршид ДЎСТМУХАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим ҚАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Хосил ҚАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ФУЛОМОВ

Тахририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

e-mail: hurriyat@doda.uz

Телефонлар: 236-53-31, 236-58-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51  
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қоракалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11  
Андижон — 8-374-250-90-39  
Бухоро — 8-365-592-85-02  
Самарқанд — 8-366-233-62-12  
Тошкент — 8-370-383-97-53

Қашқадарь — 8-375-310-17-73  
Сирдарё — 8-372-366-99-21  
Сурхондарё — 8-376-370-12-01  
Фарғона — 8-373-225-80-58  
Хоразм — 8-362-224-73-33

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: **Иномжон АБДИЕВ**

Топшириш вақти — 21.00  
Топширилди — 23.00

® — тижорат белгиси.

Адади: 9838 Буюртма — Г-1126 1 2 3 5